2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 70 (859), 2023 йил 12 апрель, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ЁШЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 11 апрель куни ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Мамлакатимизда 30 ёшгача бўлган ёшлар 19 миллиондан ортиқ ёки аҳолининг 55 фоизини ташкил қилади. Меҳнат бозорига ҳар йили 600 минг ёшлар кириб келаётган бўлса, келгуси 10 йилда бу рақам 1 миллионга етади.

Шу боис, ёшларга сифатли таълим бериш, касб-ҳунарга ўқитиш ва бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ишларни маҳаллада ташкил этиш бўйича вертикал бошқарув тизими яратилди. 9 минг 500 та маҳаллага фидойи ва ташаббускор ёшлар етакчилари тайинланди. Бу тизим орқали ёшларга 100 дан ортиқ имкониятлар яратилди, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилди.

Жумладан, ўтган йилнинг ўзида ёшлар тадбиркорлиги учун 4 триллион сўм кредит берилиб, 150 мингта лойиҳа ишга туширилган, 325 мингта иш ўрни яратилган. 43 минг гектар экин майдони ажратилиб, 435 минг ёшлар бандлиги таъминланган. 32 мингдан зиёд ёшларга субсидия орқали асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари ва компьютер олиб берилган.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам кўп ишлар қилинмоқда. Хусусан, ўтган йили 130 минг талабага 1 триллион 700 миллиард сўм таълим кредити берилди, хотин-қизларнинг магистратурада ўқиши бепул бўлди. 53 минг нафар эҳтиёжманд талабага контракт пуллари, 15 мингдан зиёд ёшларга ҳарбий хизмат ва 13 минг нафарига чет тиллари бўйича имтиҳон харажатлари тўлаб берилди. 81 минг талабага уй-жой ижараси тўлови ажратилди. “Ёшлар дафтари” орқали 300 минг ёшларга қарийб 600 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Лекин бу борада долзарб масалалар ҳали ҳам кўп. Бугунги кунда юртимизда 722 минг нафар расман ишсиз ёшлар бор.

Бу соҳадаги ишларни янада аниқ ва манзилли ташкил этиш мақсадида 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган 9 миллион нафар ўғил-қиз алоҳида эътиборга олинди. Бунда биринчи марта 25 та вазирлик ва идора маълумотлари ўзаро уйғунлашган электрон базага жамланди. Барча ёшларнинг ижтимоий аҳволи, қобилияти ва қизиқишлари ўрганилиб, “маҳалладан вазирликкача” тизимида ишлаш чоралари белгилаб олинган.

Йиғилишда, аввало, ишсиз, норасмий секторда банд бўлган ва чет элга ишлагани кетган ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари бу борада кўплаб янги ташаббусларни илгари сурди.

Хусусан, ёшлар бандлигини таъминлаш учун, аввало, ишга қабул қилиш тизимини қайта кўриб чиқиш кераклиги таъкидланди.

Мисол учун, ҳозирда 103 мингдан ортиқ ташкилотларда 254 минг бўш иш ўрни бор. Лекин ўтган йили олий таълимни битирган 6 мингдан ортиқ, коллеж ва техникумни тамомлаган 30 минг нафар йигит-қиз иш топа олмаган.

Шу боис, энди ҳар бир вазирлик ўз тармоғидаги касбларга малака талабини ўзи белгилайди. Шунингдек, вазирликлар олий ва ўрта махсус таълимга буюртма берибгина қолмай, уларнинг ўқув дастурларини бирга ишлаб чиқади.

Маълумки, 2021 йилда 25 ёшгача бўлган йигит-қизларни ишга олган корхоналарга ижтимоий солиқни қайтариб бериш амалиёти жорий қилинган эди. Ўтган даврда бундан 9 мингдан зиёд корхона фойдаланди ҳамда 100 минг ёшлар бандлиги таъминланди. Давлатимиз раҳбари бу ижобий тажриба муддатини яна икки йилга узайтириш бўйича кўрсатма берди.

“Янги Ўзбекистон ёшлари ташаббуслари” жамғармаси ва электрон платформаси ташкил қилиниши белгиланди. Жамғармага 100 миллион доллар йўналтирилиб, бу маблағлар иқтидорли ёшларнинг энг яхши ғоя, стартап ва лойиҳаларига қулай ва енгил шартларда, зарур бўлса фоизсиз ажратилади.

IT-парклар бўйича тажрибадан келиб чиқиб, ҳудудларда “Креатив парк”лар ҳам ташкил этилади. Уларга IT-парк резидентларига берилган имтиёз ва енгилликлар қўлланади.

“Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳам кўпроқ касб ўргатишга, бандликни таъминлашга хизмат қилиши кераклиги таъкидланди. Шу боис, энди бу жамғарма орқали турдош хизматлардан бир вақтнинг ўзида фойдаланиш имконияти яратилиши белгиланди.

Давлат кўмагига муҳтож ёшлар ҳар бир вазир ва унинг ўринбосарлари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, сектор раҳбарлари, ректорлар, Миллий гвардия ва ҳарбий қисм командирларига номма-ном бириктирилди. Улар ўз ҳимоясидаги ўғил-қизларнинг касб-ҳунар ўрганишига, кредит, субсидия ва кафиллик олиш орқали бандлигига кўмаклашади.

Йиғилишда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Яқинда 100 мингдан ортиқ ёшлар ўртасида ўтказилган сўровномада улар маҳалласида спорт билан шуғулланишга шароит ҳамда кўнгилочар масканлар етишмаслигини билдирган.

Шу боис, биринчи босқичда вилоят марказларида, кейинчалик туманларда кечаю кундуз ишлайдиган ёшлар сайилгоҳлари ташкил этиш вазифаси қўйилди. Уларда спорт, киберспорт ва интеллектуал ўйинлар, китобхонлик, караоке учун шароитлар кўзда тутилади. Шунингдек, ҳар бир туманда “Ёшлар сайли” ва ижод кўчалари, олий ўқув юртларида спорт лигалари, коворкинг ва театр студиялари ташкил қилинади.

Бугунги кунда 1,5 миллион ёшлар бўш вақтини чет тили ўрганишга бағишламоқда. Уларнинг бу интилишлари рағбатлантирилиб, хусусий марказларда тил ўрганиш харажатларига субсидиялар ажратилади.

Мактабларда тўгаракларни жиҳозлаш ва мураббийларни қўллаб-қувватлаш, “Баркамол авлод” болалар марказлари самарадорлигини ошириш бўйича топшириқлар берилди. Ёшлар ўртасида “Касб-ҳунар олимпиадалари” ташкил қилиниши айтилди.

Бугунги глобаллашув даврида ёшлар тарбияси ва онгига таҳдидлар тобора кучаймоқда. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний “Ҳар бир миллатнинг саодати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдир” дея таъкидлаган.

Лекин маънавий тарғиботнинг қамрови ва таъсирчанлиги пастлиги, ёшларнинг қизиқишлари инобатга олинмаётгани кўрсатиб ўтилди.

Шу боис, Маънавият ва маърифат маркази фаолиятини такомиллаштириш, ёшларни мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиб, уларга соғлом фикр берадиган манбаларни кўпайтириш юзасидан топшириқлар берилди.

Умуман, бу соҳадаги давлат сиёсатини самарали ташкил этишга қаратилган “Янги Ўзбекистон ёшлари” дастурини ишлаб чиқиш, қонунчиликни ўзгартириш вазифалари белгиланди.

Президентимиз ёшлар билан ишлаш барча раҳбарларнинг, кенг жамоатчиликнинг, бутун жамиятимизнинг энг устувор вазифаси эканини таъкидлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан вазирлар ва ҳокимларнинг ахбороти эшитилди.

**ЎзА**

# САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 11 апрель куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан ўтказган телефон орқали мулоқотида товар айирбошлаш суръатларини таъминлаш ва қўшма кооперация лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган биринчи галдаги чора-тадбирлар муҳокама қилинди.**

Икки мамлакат ишбилармонлари ва ҳудудлари даражасидаги амалий ҳамкорликни илгари суришда апрель ойининг охирида Тошкент шаҳрида ўтказиладиган “Иннопром” халқаро саноат кўргазмаси имкониятларидан самарали фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Маданий-гуманитар алмашинув дастури доирасидаги ҳамкорлик сермаҳсул бўлаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари бўлажак икки ва кўп томонлама тадбирлар режасини ҳам кўриб чиқдилар.

**ЎзА**

## 30 АПРЕЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

# ФАРОВОН ТУРМУШ КАФОЛАТИ

**Бугун халқимизнинг ислоҳотларга ишончи ортиши учун зарур асослар шаклланди. Бу эса, ўз навбатида, янги режа ва дастурларни амалга ошириш учун имкониятлар эшигини очмоқда. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури бу борада миллий ривожланишнинг янги босқичини бошлаб берди.**

Ушбу йўналишдаги серқирра фаолият эса “Инсон — жамият — давлат” ғояси асосида ташкил этилмоқда. Жамият ва давлат ҳаётининг барча тармоқларини қамраб олган давлат дастури миллат зиёлилари олдига ҳам кечиктириб бўлмас вазифалар қўйди. Бу вазифалар келажакка дахлдор бўлиб, Янги Ўзбекистон ёшларининг фаровон истиқболи, халқимизнинг осойишта ҳаёти учун якдил ҳаракатланишни тақозо этади.

Давоми 2-бетда

## БУГУННИНГ ГАПИ

# ИМТИЁЗЛИ МАҲСУЛОТЛАР НАРХИ 10 дан 26 фоизгача арзонлашди

**Дунёда иқлим ўзгараётгани, кўп жойларда қурғоқчилик юз бергани оқибатида озиқ-овқат етишмовчилиги кузатилмоқда. Боз устига, халқаро майдондаги зиддиятлар туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш ва етказиб бериш мураккаблашиб боряпти. Пандемия ҳам логистика занжирлари ва ишлаб чиқарувчилар фаолиятига қаттиқ зарба берди. Табиий газ баҳосининг кескин ошиши туфайли мамлакатлар етарли миқдорда ўғит ишлаб чиқара олмаяпти, ўнлаб йиллар давомида шаклланган халқаро алоқаларда эса узилишлар юзага келяпти.**

Давоми 4-бетда

## НУҚТАИ НАЗАР

# МИЛЛИЙ ФУТБОЛИМИЗНИНГ ЖАНГОВАР РУҲИ

## ХАЛҚИМИЗ ОРЗУ-УМИДЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ УЧУН КЕРАК



5-бетга қаранг.

## ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

# АДОЛАТЛИ ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ ҚУДРАТИ

## оддий одамлар ҳаётидаги ўзгаришлардан куч олади





**Биз, юристлар одатда қонун тили билан гапиришга одатланиб қолганмиз. Жамиятдаги муносабатларда ҳам беихтиёр шу тилга кўчаверамиз. Ўрганиш бўлиб қолган. Аммо уйда-чи? Оила аъзоларимиз, яқинларимиз даврасида-чи? Албатта, она, опа, сингил ва аёл сифатидаги феъл-атворимиз ҳам бор.**

Кейинги йилларда юртимизда ниҳоятда катта ва халқимизнинг асрий орзу-умидлари билан тўла бир ислоҳот бошландики, бу ҳақда гапирганда тилимиз сира расмийча айланмайди. Бунинг ҳеч иложи йўқ. Бу — оддий одамларни уй-жой билан таъминлаш сиёсати.

Мен, аввало, аёл сифатида шахсий уй-жойга эгалик ҳиссини, рўзғор юмушию фарзандлар тарбиясидаги ширин ташвишларни яхши тушунаман. Шу нуқтаи назардан айтишим жоизки, мамлакатимизда ўз муқим бошпанасига эга бўлишни йиллар мобайнида фақат орзу қилиб келган аҳолини уй-жой билан таъминлаш сиёсати ва бу орқали минглаб оилаларга кириб келган бахтли, тўкис ҳаёт шукуҳининг қиёсини, баҳосини топиш қийин.

Давоми 3-бетда

## 30 АПРЕЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

# ФАРОВОН ТУРМУШ КАФОЛАТИ



**Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори**

Бошланиши 1-бетда

Тараққиёт стратегиясида белгиланган кенг кўламли вазифалар, халқпарвар давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, қадр-қимматини янада самарали таъминлаш каби мақсадлар туб ислоҳотларга мос янги конституциявий-ҳуқуқий маконни яратиш заруратини юзага келтирди. Шу боис, бугун янги таҳрирдаги Конституциямиз узоқ муҳокамалардан сўнг халқ иродасига ҳавола этилмоқда. Яъни жорий йил 30 апрель куни “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳаси умумхалқ референдумига қўйилади.

Биз янги таҳрирдаги Конституциямизга нима учун овоз берамиз? Бунга асослар кўп. Улардан энг муҳимларидан бири — таълим тизимига бўлган юксак эътибор.

Президентимиз доим таъкидлаганидек, бугунги кунда таълим сифатини ошириш мамлакатимизни ривожлантиришнинг ягона тўғри йўли эканини барчамиз англаб етдик. Шу боис, Ўзбекистонда таълим-тарбияга, жумладан, мактабгача ва мактаб таълими, олий ҳамда ўрта махсус касбий таълимни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бош қонунимизнинг янги таҳририда таълим сифати ва давомийлиги кафолатланган, бепул умумий ўрта таълим, шунингдек, танлов асосида давлат таълим ташкилотларида бепул олий маълумот олиш ҳуқуқи мустаҳкамланиб, алоҳида эҳтиёж ва индивидуал имкониятларга эга болалар учун инклюзив таълим-тарбияни ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, давлат иқтидорли ёшларнинг моддий аҳволидан қатъи назар, таълим олиш давом эттирилишини кафолатлаб, таълим муассасалари ва ташкилотларининг хусусий ва бошқа шаклларини ривожлантириш учун тенг шароитлар яратиши назарда тутилган.

Бу бежиз эмас. Халқимиз Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этишдек улуғвор мақсад сари интилаётган экан, бу эзгу йўлда бизга таянч ва тиргак бўладиган, олдинга руҳлантирадиган Конституциямиз ҳам шу қадар мукаммал, ҳар томонлама пишиқ-пухта, аниқ бўлмоғи лозим. Янги таҳрирдаги Конституциянинг **“Давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқликни, мамлакатидан ҳамда халқнинг бой маданий меросидан фахрланишни, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилиши”** алоҳида қайд этилмоқда.

Бу ғамхўрликни давлатнинг ёшларга юксак ишончи ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган вертикал тизим яратилаётгани, фаол фуқаролик позиция ва қатъий ҳаётий қарашларга эга ёш лидерларни етиштиришдаги манзилли ишлар янада кенгайишига замин, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Ривожланган мамлакатлар конституциясида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий қоида ва тамойиллари акс этгани кузатилади. Жумладан, Бразилия Конституциясида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига алоҳида боб ажратилган. Унда ёшларнинг таълим олиши, саломатлиги, маънавий, интеллектуал, жисмоний ривожланиши кафолатлари, ҳуқуқ ва манфаатлари, эркинликлари ҳимояси, ижтимоий-сиёсий иштирокини таъминлаш масалалари алоҳида моддаларда белгиланган. Бизда ҳам шундай сиёсат юритилмоқда. Жумладан, янги таҳрирдаги Конституциямизда **“Фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақли”** деб белгилаб қўйилмоқда. Бу эса давлат иқтидорли ёшларнинг олий таълим муассасаларида давлат гранти асосида ўқиш имкониятини кафолатлайди. Олий таълим муассасаларига ҳам янги таҳрирдаги Конституциямизда қонунга мувофиқ академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эгалиги қайд этилмоқда.

Таълим тизимининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлмиш педагоглар ҳуқуқлари ҳам энди янада мустаҳкамланади. Уларнинг шаъни ва обрў-эътибори давлат ҳимоясида экани конституциявий кафолатланмоқда. Ўз навбатида, педагог ходимларнинг касбий фаолиятига аралашишга, уларнинг хизмат мажбуриятларини бажаришига монелик қилишга йўл қўйилмаслиги қатъий белгиланмоқда. Унда бундай дейилади: **“Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади.**

**Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади”.**




Бу ҳуқуқлар қанчалик қимматли ва долзарблигини умрини ўқитувчиликка бағишлаган, мажбурий меҳнатга мажбурланган, тазйиқларга учраган заҳматкаш педагоглар яхши англайди. Ўқитувчининг зиммасига ниҳоятда оғир юкни осиб қўйдик ва оқибатда таълим тизими ҳам оғирлашиб бораверди. Ачинарлиси, ўқувчига қўйган баҳоси учун калтакланган ўқитувчиларни ҳам кўрдик. Ўқитувчига ҳамма бошлиқ бўлди. Ўқувчининг оиласи, маҳалла нозири, ҳокимлик, яна қайсидир ташкилотлар, хуллас, ҳамма ўқитувчининг дарсига, фаолиятига аралашиши оқибатида жамиятда уларнинг обрўси тушиб борди. Энди эса конституциявий қонун билан ўқитувчининг фаолияти муҳофаза қилинади.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон ҳуқуқий, ижтимоий, дунёвий демократик давлат экани белгилаб қўйилмоқда. Бу эса юртимизда аҳолининг барча қатламлари, хусусан, болалар, ўсмирлар, ёшлар, хотин-қизлар, нуронийлар ва имконияти чекланган инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча зарур шароитлар яратилишини англатади. Аслида, Янги Ўзбекистонда бу ишлар аллақачон бошлаб юборилган. Кейинги етти йилда инсон қадрини улуғлаш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, халқ манфаатларини таъминлаш йўлида асрларга татигулик ишлар амалга оширилди.

Ҳар турли баҳоналар билан тақиққа олинган илм-фан, адабиёт ва маданият намояндалари номидан “қора тамға”лар олиб ташлангани ёки оёқларга кишан бўлган “прописка” муаммосига барҳам берилгани бу борадаги айрим мисоллар, холос. Лекин шуларнинг ўзи ҳам минглаб инсон тақдирини ўзгартирди, ҳаётида янги саҳифа очди. Айниқса, жадидлар номи улуғланмоқда, уларнинг ноҳақ айбловларга асосан, ўлимга ҳукм қилингани қонунан тасдиғини топди. Умрини эл-юрт ривожига бағишлаган кўплаб жадид боболаримизнинг ўлмас асарлари арзимас сабаблар билан қайсидир маънода халқдан иҳоталангани, унинг меҳридан, эътиборидан сунъий равишда узоқлаштирилгани соҳанинг бир вакили, қолаверса, оддий инсон сифатида ҳам қалбимизни изтиробга солган. Мана шу изтироб бугун йўқолди. Жадидларга ва улар ижодига эҳтиром қалбимизни қувонтирмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституцияга киритилаётган катта ўзгартиришлардан яна бири — унда **“Ҳар кимга илмий, техникавий ва бадиий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилинади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланиши ҳақида ғамхўрлик қилади”,** дейилган. Шу пайтгача бадиий ижод эркинлиги тушунчаси қонунан кафолатга эга эмас эди. Бу билинар-билинмас цензура ижоддаги мисли кўрилмаган тўсиқ саналган. Энди эса Бош қонунимизда ижод эркинлиги кафолатланмоқда.

Ватанимизда кечган буюк цивилизациялар халқимиз миллий характеридаги бош хусусиятлар — якдиллик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликдан куч олган. Ана шу ўзак фазилатларимиз эса ички ва ташқи хавфларни даф этиш, биқиқликдан ҳамкорлик ва интеграцияга, илм ва маърифатга эришишнинг асоси ҳисобланган мустаҳкам бирлашишга бўлган интилишни кучайтирган.

Президентимиз Учинчи Ренессансга эришиш учун имкониятларимиз етарлигини алоҳида таъкидлади. Хусусан, **“олдимизга қўйган улуғ мақсадларга эришиш учун барчамиз бирлашиб, бир ёқадан бош чиқариб, биргаликда ҳаракат қилишимиз керак”**лигига алоҳида урғу берди. Бирлашиш даражаси қанча юқори бўлса, юз берган вазиятларда мақбул ечимларга келиш имконияти шунчалик катта бўлади. Бугун минглаб фуқаролар, нуроний ва ёшларимиз, турли миллат вакиллари, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, умуман, жонажон Ўзбекистонимиз тақдирига бефарқ бўлмаган барча юртдошларимиз катта сиёсий жараён — умумхалқ референдуми арафасида турибди. Референдумда фаол қатнашиш ўз келажагига бефарқ бўлмаган барча ватандошларимиз учун фарз. Зеро, ўтган йилларда халқ оғзидан тушмаётган орзу-тилаклар реал воқелик касб этишининг ягона кафолати янги таҳрирдаги Конституциямиз қабул қилиниши билан янада кўр олади.

## ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

# ҲАЁТДАН РОЗИ БЎЛИБ ЯШАШ СУРУРИ



**Шерзод ҚУЛМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

Мамлакатимиздаги ислоҳотлар, бунёдкорлик шукуҳи, маънавий-маданий ишлар самараси сирдарёликлар ҳаётига ҳам янгича мазмун киритмоқда. Зеро, вилоятда сўнгги 6 йилда бир неча ўн йилликларда амалга ошмаган ишлар қилинди.

Ҳудудда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилган бўлса-да, яқин-яқингача олис қишлоқларда истиқомат қилаётган оддий одамларнинг яшаш шароитини яхшилашга етарлича эътибор қаратилмаган эди. Аксарият қишлоқларда кўчалар, ижтимоий соҳа объектлари, ичимлик сув, электр таъминоти каби муҳим соҳалар йиллар давомида қаровсиз ва эътиборсиз қолиши натижасида ночор аҳволга келиб қолган, бу эса аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлар эди.

Сўнгги йилларда қисқа муддатда вилоятда мисли кўрилмаган ислоҳотлар бўлди. Нафақат вилоят маркази, балки энг олис қишлоқлар ҳам мутлақо замонавий қиёфа касб этди. Одамларни йиллар давомида ўйлантириб келган йўл, ичимлик сув, электр энергияси билан боғлиқ масалалар ечилди.

Бу ютуқлар тасодиф эмас. Улар негизида чуқур ўйланган сиёсат, халқимизнинг фидокорона меҳнати турибди. Изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар натижасида тадбиркорлик ривожланди, янги корхоналар қад ростлади. Маҳалла гузари, дўкон, кутубхона, болалар майдончалари барпо этилди. Одамлар меҳнат қилиб, даромад топиши, ҳар бир кунидан, ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун барча шароитлар муҳайё қилинди.

Айниқса, тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун берилаётган имкониятлар, яратилаётган шароитлар кўлами ниҳоятда кенгайди. Натижада улар аҳоли бандлигини таъминлаш баробарида ўз маҳсулотларини нафақат ички бозорга чиқармоқда, балки хорижга ҳам экспорт қилмоқда. Янги иш ўринлари яратиб, вилоят иқтисодиётига, аҳоли фаровонлигини оширишга ҳисса қўшяпти.

Сўнгги олти йилда вилоятга 30 триллион сўм инвестиция жалб қилиниб, 6640 та янги корхона ишга туширилди. Бу орқали 55 минг доимий иш ўрни яратилиб, 17 минг оила камбағалликдан чиқарилган. Ўзингиз айтинг, ушбу рақамни бор-йўғи 6-7 йил илгари мисол қилиб келтириш мумкинмиди? Бу охирги йиллардаги изчил ислоҳотлар самарасидир.

Сирдарёда ҳам тадбиркорлар йил сайин кўпаймоқда. Қурилиш материаллари, фармацевтика, чарм ва озиқ-овқат саноати каби янги тармоқлар пайдо бўлди.

Кейинги йилларда вилоятда бўлаётган ўзгаришлар, янгиликлар ҳақида кўп ва хўп ёзиш мумкин. Аммо бу ерда йил сайин, кун сайин бўлаётган ўзгаришларни бир мақолага сиғдиришнинг иложи йўқ.

Президентимизнинг узоқни кўзлаб юритаётган прагматик халқчил сиёсати туфайли одамлар елкасидан ташвиш, муаммолар тоғи ағдарилмоқда, кўнгилларга чўккан қоронғу пардалар сидириб ташланмоқда. Одамларга орзу-ҳавас, ғурур-ифтихор, шодлик қайтмоқда.

Ўтган йил октябрда Президент ташрифидан сўнг Сирдарёни “ишсизликдан холи ҳудуд”га айлантириш бўйича дастур қабул қилинган эди. Дастурдаги тадбирлар учун вилоятга қўшимча 2 триллион сўм ажратилди. Жумладан, 20 минг аҳоли имтиёзли кредит билан таъминланди, 5 минг ишсиз ёшга асбоб-ускуналар учун грантлар ажратилди. 2 мингдан ортиқ янги ҳунарманд фаолияти йўлга қўйилиб, 12 мингдан зиёд йигит-қиз касб-ҳунарга ўқитилди. Аҳоли деҳқончилиги учун қўшимча 5 минг гектар ер тарқатилиб, 10 минг аҳоли даромадли иш билан таъминланди. Бу саъй-ҳаракатлар



халқимиз фаровон турмуш кечириши, доимий даромад манбаига эга бўлиб, мурод мақсадига етиши, чинакамига қадр топиши учундир.

Муболағасиз айтиш мумкинки, бугунги Сирдарё кечаги Сирдарё эмас! Вилоятда бўлаётган ўзгаришлар, энг муҳими, одамлар онги ва дунёқарашидаги ўзгаришлар Сирдарёнинг ҳақли равишда янги тарихи бошланганидан дарак беради. Биргина ҳаётий мисол. Президентимизнинг таклифи билан қисқа муддат — бир йил ичида Ховос тумани марказида бутунлай янги шаҳар қад ростлади. Яъни “Ховос сити”даги кўп қаватли турар жойлар эгаларига топширилиб, 1000 дан ортиқ оила ўз уйига эга бўлди.

Давлатимиз раҳбари ислоҳотларнинг “маҳаллабай” тизимида қандай йўлга қўйилгани, одамлар ҳаётидаги ўзгаришларни кўриш, навбатдаги режаларни белгилаш ҳамда халқ билан мулоқот қилиш мақсадида шу йил 7 апрель куни Сирдарёда бўлди. Узоқ кутилган ташриф ҳудуд аҳлининг кайфиятини янада кўтарди, уларни фаолликка чорлади, янги марралар сари руҳлантирди. Таъбир жоиз бўлса, ҳаракатга келтиргани рост.

Сирдарёнинг ер, сув ва табиат ресурслари бой. Аҳоли жон бошига экин майдонлари бошқа ҳудудларга нисбатан 2-3 баробар кўп. Вилоятда қишлоқ хўжалигининг сув билан таъминланганлик даражаси ҳам юқори. Агар бу соҳага илм ва инновация олиб кирилса, маҳсулот етиштириш ҳажми ва экспортини ошириш мумкин. Зеро, Сирдарё пойтахт Тошкент шаҳрига яқин жойлашган. Шунингдек, у икки қўшни давлат билан қулай транспорт йўлагига эга. Демак, энди бор имкониятларни ишга солиб, Сирдарёни саноат, тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, таълим ва тиббиёт бўйича илғор инновациялар ҳудудига айлантириш лозим. Бу борада Хитой тажрибасига таяниш қўл келади. Чунки бу давлат мазкур соҳаларда катта ютуқларга эришган.

Аҳамиятлиси, хитойлик инвесторларнинг ҳам вилоятимизга қизиқиши катта. Буни қуйидаги рақамлардан кўриш мумкин: охирги олти йилда улар билан бирга Ширин шаҳри, Мирзаобод ва Сирдарё туманларида 60 дан ортиқ йирик саноат корхонаси очилди. Вилоятга 2022 йилнинг ўзида Хитойнинг 250 миллион доллардан зиёд инвестицияси жалб қилинди.

Президентимиз Сирдарёда 5 та янги ташаббусни эълон қилдики, уларнинг барчаси аҳоли фаровонлигини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш, одамларни рози қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Хусусан, илғор инновациялар ҳудудида биофармацевтика, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, электротехника, тиббиёт, таълим соҳаларининг 20 та йўналишидаги лойиҳага алоҳида имтиёзлар режими жорий қилиниши тўғри ва оқилона қарордир. Бу ердагилар ер, мол-мулк, фойда ва айланма учун солиқлар ҳамда божхона божларидан 3 йилгача озод қилинади. Ер участкалари соддалашган тартибда ажратилиб, ер ва биноларни сотиб олишда 5 йилгача бўлиб тўлашга рухсат берилади. Буларнинг барчаси ҳудудда тадбиркорликни жадал ривожлантириш, ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, энг муҳими, экспорт ҳажмини оширишга замин яратади.

> **СЎНГГИ ОЛТИ ЙИЛДА ВИЛОЯТГА 30 ТРИЛЛИОН СЎМ ИНВЕСТИЦИЯ ЖАЛБ ҚИЛИНИБ, 6640 ТА ЯНГИ КОРХОНА ИШГА ТУШИРИЛДИ. БУ ОРҚАЛИ 55 МИНГ ДОИМИЙ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛИБ, 17 МИНГ ОИЛА КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚАРИЛГАН. ЎЗИНГИЗ АЙТИНГ, УШБУ РАҚАМНИ БОР-ЙЎҒИ 6-7 ЙИЛ ИЛГАРИ МИСОЛ ҚИЛИБ КЕЛТИРИШ МУМКИНМИДИ? БУ ОХИРГИ ЙИЛЛАРДАГИ ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИДИР.**

Бир пайтлар вилоят марказга яқин жойлашган бўлса-да, бундай шароитлар бўлмаган, аҳоли учун қулайликлар яратишга эътибор қаратилмаган. Вилоятда ҳозир амалга оширилаётган лойиҳаларни эшитиб, мана, кўп йиллар давомида қилинмаган ишларни қисқа муддатда ҳам қилса бўларкан-ку, дейсиз.

Масалан, вилоятнинг 11 та тумани ва шаҳри Хитой модели асосида саноатга ихтисослашиши, ҳар бирида инновацион технопарклар очилиб, уларда электротехника, биофармацевтика, кимё, қурилиш материаллари, ипак ва озиқ-овқат саноатида инновацион лойиҳалар амалга оширилиши пировардида, фақат ва фақат инсонни рози қилишга, ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилиши аниқ.

Президентимиз вилоятларга ташрифи чоғида “Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади”, дея кўп такрорлайди. Бу бежиз эмас, албатта. Боиси, ривожланишнинг муҳим омилларидан бири одамларни рози қилиш, уларга муносиб яшаш шароити яратиш, эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашдир.

Сирдарёда ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга жорий йилги давлат дастурларида кўзда тутилган 685 миллиард сўмга қўшимча 380 миллиард сўм, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга яна 110 миллиард сўм ажратилиши ана шу эзгу мақсадга қаратилган, десак муболаға бўлмайди. Шу билан бирга, саноат, аграр соҳа ва тадбиркорлик лойиҳаларига 1 миллиард доллар, инфратузилма барпо этишга 105 миллион доллар жалб қилинади. Ташриф чоғида хорижий инвестициялар жалб қилиб, Сирдарё вилоятини инновацион ҳудудга айлантириш вазифаси қўйилдики, бу шу вилоятдан сайланган депутат сифатида бизнинг зиммамизга ҳам катта масъулият юклайди.

Қисқаси, бугун вилоятда мўъжизалар рўй бермоқда. Бундай яратувчилик, бунёдкорлик руҳи янги марраларни забт этишга чорлайди. Юртдошларимизнинг кўзларидаги қувонч, ҳаётдан мамнунлик, айниқса, ёшларимизнинг нигоҳларида барқ уриб турган ғайрат-шижоат, эртанги кунга ишонч ёлқинлари уларнинг порлоқ келажагидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбарининг бу галги ташрифи эса вилоятни янада ривожлантириш, инсон қадрини улуғлаш, халқни рози қилиш, ҳудуднинг бекиёс имкониятларини юзага чиқариш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, турмуш шароитини янада яхшилашга хизмат қилади.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

# АДОЛАТЛИ ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ ҚУДРАТИ

## оддий одамлар ҳаётидаги ўзгаришлардан куч олади



**Саҳибжамал ЖОЛДАСОВА,
юридик фанлари доктори**

Бошланиши 1-бетда

### Яқин ўтмиш хотиралари

Бир ҳамкасбим бор, ҳар сафар янгиланган уй-жой сиёсати ҳақида гап кетганида, **“Мен аввалги замон бўлганида бугунгидек ўз уйим бўлишини тасаввур қилолмасдим, уйли бўлолмасдим, Тошкентда доимий прописскам ҳам йўқ эди. Участкавойларга юзма-юз келишдан безиллаб юрардим”,** дейди. Бу гапни ундан ўн марталаб эшитганмиз. У такрорлашдан, биз эшитишдан зерикмаймиз.

Нимага шу ҳақда қанча гапирсак меъдага тегмайди. Чунки яқин ўтмишдаги уй-жой сиёсати билан боғлиқ катта ва ҳаётий жиддий муаммолар деярли ҳар бир юртдошимизни қаттиқ ташвишга солиб келар, бу шаҳарларда, вилоятлар марказида, айниқса, Тошкент шаҳрида жуда оғир муаммолардан бири эди.

Пойтахтда бир қарич ер — бебаҳо. Уй-жой қилишнинг ўзи бўлмайди. Касбимиз тақозоси билан уй, мерос талашиб юз кўрмас бўлиб кетган ака-укаларни, опа-сингилларни кўп кўрдик. Улар орасида ҳатто жиноятга қўл урганлари бўлди, қотиллик содир этилган вазиятлар ҳам учради.

Ўша вақтларда уй-жой можароси, ота-она ёки яқин қариндошлардан қолган кўчмас мулк мероси билан боғлиқ ажрим иши судларда энг кўп кўриладиган масалалардан бири бўлиб қолганини яхши эслаймиз.

Айтиш керакки, уй-жой муаммоси билан боғлиқ мамлакатдаги, хусусан, Тошкентдаги мураккаб вазият одамлар орасида меҳр-оқибат ришталари сусткашиши, давлатга бўлган ишончнинг йўқолиши, натижада, жамиятда ҳиссиз, тушкун кайфият урчишига олиб келди. Бу, табиийки, мамлакат ривожи учун ҳам катта хатар эди. Чунки қайси давлатда оддий одамларда ислоҳотларга, бугунги ва эртанги кунга ишончсизлик кайфияти пайдо бўлса, унинг оқибати ҳеч қачон яхшилик билан тугамаган.

Шундай оғир, таҳликали бир вазиятда Президент Шавкат Мирзиёевнинг қатъий ва мустаҳкам иродаси билан бошланган янги уй-жой сиёсати одамлар ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди, жамиятимизнинг янги қиёфасини шакллантирди.

### Ижтимоий адолат эпкини

Биз Янги Ўзбекистонни “ижтимоий адолат” тамойили асосида қуришни мақсад қилганмиз. Бу шуни англатадики, мамлакатимизда барча одамлар салоҳиятини юзага чиқариши учун тенг шароитлар яратилади, халқимиз келажакда эмас, бугун ҳам яхши яшаши йўлида барча имкониятлар сафарбар этилади, камбағалликни тугатиш чоралари кўрилади.

Энг муҳими, бугун шу мақсадларнинг амалдаги рўёбини ҳар биримиз ўз ҳаётимиз мисолида кўриб, ҳис қилиб турибмиз.

Биргина маҳалла тизимини олайлик. Бугунги Ўзбекистон маҳаллалари том маънода тинчлик ва осойишталик пойдеворига, аҳиллик ва меҳр-оқибат қўрғонига айланди. Нима учун шундай бўлди? Боиси шундаки, ислоҳотлар, аввало, маҳалладан, оилалардан бошланди. Бунинг яна бир муҳим омили бор. Бу ҳам бўлса — муҳтож аҳоли қатлами имтиёзли шартлар асосида уй-жой билан таъминланганида.

Энди мана шу тизим конституциявий кучга кириб, ортга қайтмас тус олмоқда. Гап шундаки, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг **47-моддасида “ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга”** экани ҳамда **“ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас”**лиги қатъий белгилаб қўйилмоқда.

Биргина мана шу икки норманинг ҳаётимиздаги аҳамиятини теран англасак бўлди. Зеро, у янгиланаётган ҳаётимизда жуда муҳим аҳамият касб этадики, бу ҳақда сўз юритишдан олдин, айрим халқаро муносабатлар ва мамлакатимизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтиш ўринли бўлади.

Бугунги кунда дунёда инсониятнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи уларнинг етарли даражада ҳаёт кечириши учун муҳим бўлган ажралмас ҳуқуқи сифатида қаралади. Мазкур ҳуқуқ Инсон ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон декларацияси, Фуқаролик, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги бошқа халқаро ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида қатор халқаро, шу жумладан, юқорида қайд этилган умумбашарий ҳужжатларни ратификация қилар экан, уй-жойли бўлиш ҳуқуқини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган чораларни кўриб чиқмоқда. Бу икки муҳим йўналишда амалга оширилади. **Биринчидан,** инсоннинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш, **иккинчидан,** давлат томонидан ижтимоий ёрдам ва қўллаб-қувватлашга эҳтиёжи бўлган шахслар уй-жойли бўлиши учун шароитлар яратиш.

Ўтган йиллар давомида Ҳаракатлар стратетегияси доирасида ҳуқуқий мулк ҳимояси, шу жумладан, уй-жой мулкдорларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, 2022 йили Уй-жой кодексига киритилган ўзгартишларга кўра, давлат ёки жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқаролар мулкида бўлган уйлар (квартиралар) бузилган тақдирда, мулкдорларга уларнинг танлови бўйича ва тарафлар келишувига кўра, уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган саҳндаги, барча қулайликлари бўлган, аввалгисига тенг қимматли бошқа турар жой мулк қилиб берилади ҳамда дов-дарахтларнинг ёхуд бузилаётган уй (квартира), бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтларнинг бозор қиймати тўлиқ ҳажмда тўланади.

Бугунги кунда аҳолини арзон уй-жой билан таъминлашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурига, асосан, Ислом тараққиёт банки иштирокида амалга оширилган ишлар эътиборга молик. Унинг доирасида янгиланган лойиҳалар бўйича 53 мингдан зиёд арзон





> **БУГУНГИ КУНДА ДУНЁДА ИНСОНИЯТНИНГ УЙ-ЖОЙЛИ БЎЛИШ ҲУҚУҚИ УЛАРНИНГ ЕТАРЛИ ДАРАЖАДА ҲАЁТ КЕЧИРИШИ УЧУН МУҲИМ БЎЛГАН АЖРАЛМАС ҲУҚУҚИ СИФАТИДА ҚАРАЛАДИ. МАЗКУР ҲУҚУҚ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА БУТУНЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ, ФУҚАРОЛИК, ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ БОШҚА ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАРДА ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПГАН.**

уй-жойлар қурилди, 65 минг оиланинг яшаш шароити яхшиланди. Бундан ташқари, ушбу тоифадаги уй-жойларни сотиб олиш имкониятини кўпроқ одамларга тақдим этиш мақсадида жорий йил учун уларнинг сонини 1,5 баробарга ошириш ва 9 минг квартира ҳамда якка тартибдаги уй-жойларни қуриш режалаштирилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, уй-жойли бўлиш ҳуқуқи бошқа ҳуқуқлар билан чамбарчас боғлиқ. **Биринчидан,** ушбу ҳуқуқ инсонни ўз уйидан мажбуран чиқариб юборилиши ёки уйи бузилишидан ҳимоя қилади. **Иккинчидан,** уй-жой мулкдорини уйига нисбатан учинчи шахслар томонидан тажовуз қилинишидан ҳимоялайди. **Учинчидан,** яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқи рўёбга чиқишига омил сифатида хизмат қилади. **Тўртинчидан,** давлат томонидан ёрдамга муҳтож шахсларнинг уй-жой шароитини яхшилаш имкониятини яратади.

Ушбу ҳуқуқлар қонун билан кафолатланади ҳамда уларни бузганлик учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Шунингдек, уй-жойли бўлиш ҳуқуқи ҳар бир шахсга агар ушбу ҳуқуқ бузиладиган бўлса, кўрилган зарарни қоплаб беришни талаб этиш ҳуқуқини беради. Хусусан, ўтган бир неча йил давомида “уй-жойни бузиш”, “снос” деган гапни эшитмаган ватандошимиз қолмаган бўлса керак. Бузилган уй-жой учун ўз вақтида етарли даражада компенсация тўлаб берилмагани учун айрим ватандошларимиз учун бу сўзлар “адолатсизлик” синонимига айланган эди.

Ушбу масала жиддий бўлгани сабабли, Президентимиз ўтган йили Конституциявий комиссия азолари билан учрашувида шахсий мулкка бўлган ҳуқуқ учун суд ҳимоясини кучайтириш, бу ҳуқуқни конституциявий кафолатлаш зарурлигини таъкидлаганди.

Умуман, бу муаммони ҳал қилиш мақсадида ҳукуматнинг 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сон қарори билан Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тасдиқланган. Шунингдек, мазкур қарор билан ҳокимликлар тузилмасида Ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш ишларини мувофиқлаштириш шуъбаси ташкил этилди. Унинг асосий вазифаларидан бири ер участкаси олиб қўйилиши ташаббускори ва кўчмас мулк объектлари мулкдорлари ўртасида тузилган, компенсация миқдори, тури ва бериш муддати назарда тутилган келишувлар ҳисобини юритишдан иборат. Маълумот учун, 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, ноқонуний уй-жойни бузиш натижасида мулкдорлар олдидаги қарз 443 миллиард сўмни ташкил қилган бўлса, йил давомида деярли ярми, яъни 202 миллиард сўм қоплаб берилди. Шундан 151,5 миллиард сўм нақд пулда компенсация қилинган бўлса, 10,7 миллиард сўм миқдорда ер участкалари ажратилди, қолган 39,2 миллиард сўм миқдорда мулк шаклида қопланган.

Ҳукумат қарори билан белгиланган мазкур тартибдаги қоидалар кейинчалик юридик кучи юқори бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўтказилди. Хусусан, 2022 йили “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Унда ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишга асослар аниқ белгиланди. Шунингдек, маҳаллий кенгашларнинг ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ва кўчмас мулк объектларини бузиш тўғрисидаги қарорлари қонунга хилоф, деб топилган тақдирда жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарнинг ўрни, биринчи навбатда, марказлаштирилган жамғармалар маблағлари ҳисобидан қопланиб, кейинчалик ушбу маблағлар айбдор шахслардан регресс тартибида ундириш мажбурияти белгиланди.

Ана энди юқорида айтганимиз, янги таҳрирдаги норма мазмун-моҳиятига келсак.

**“Ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга”.** Бу норма мамлакатда кучли ижтимоий адолатни таъминлашдаги бош асос бўлади, десак муболаға эмас. Боиси, ҳар қандай ижтимоийлашув ҳодисаси ва дахлдорлик ҳисси, инсоний муносабатлар, сиёсийлашув жараёни, аввало, эгалик туйғуси билан уйғун шаклланади, такомиллашиб боради.

Эгалик туйғуси эса жамиятдаги фаол ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий муҳитни тарбиялайди, жуда бўлмаганда унга жўшқинлик улашади. Шундай экан, ҳар бир юртдошимизнинг ўз уйи бўлиш ҳуқуқига эгалиги замирида, биринчи навбатда, давлат ўз зиммасига ана шу ниҳоятда катта масъулиятни олгани англашилади. Яъни бу ҳуқуқ таъминланишида бош ислоҳотчи ва яқин кўмакчи бўлиб давлатнинг ўзи қолади.

**“Ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас”**лиги эса ана шу таъсирчан ҳамда амалий фаол ижтимоий адолатнинг барқарорлиги ва давомийлигини таъминлайди.

### Ҳеч ким эътибордан четда қолмайди

Ёдингизда бўлса, янги ва арзон нархларда, имтиёзли шартларда уй-жой қурилиши бошланган вақтда одамлар орасида турли миш-мишлар тарқалди. Эмишки: *“улгуриб қолиш керак, бу бир ёки икки йил бўлади, кейин тўхтаб қолади”.* Давлатимиз раҳбари ўшанда ҳам бу акция эмаслигини, аҳоли, биринчи навбатда, уй-жойга муҳтож, кам таъминланган, ёлғиз аёлларни турар жой билан таъминлаш стратегик аҳамият касб этиб, тизимли давом этишини айтган эди.

Ҳа, шундай бўлди, бўляпти. Ва энг муҳими, бу тизим нафақат давом этяпти, балки эндиликда Конституция даражасида мустаҳкамланмоқда.

Бугун Янги Ўзбекистондаги адолатли ижтимоий сиёсатнинг муҳим бир мақсадини англаб олишимиз керак. Гап шундаки, аҳолини уй-жой билан таъминлаш сиёсатида ҳеч ким эътибордан четда қолмайди. Ҳозир шу ҳақда икки оғиз айтиб ўтсак.

Миллий қонунчилигимизда алоҳида тоифадаги шахсларга давлат томонидан кўрсатиладиган у ёки бу турдаги ижтимоий ёрдамлар ва қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланган бўлиб, ҳар хил шартлар асосида яшаш майдони билан таъминлаш шулар жумласидан. Масалан, инсон яшаши учун яроқли бўлган турар жойдан, шу жумладан, махсус уйлардан (ётоқхоналар, вақтинчалик уй-жой фонди уйлари, ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар учун интернат-уйлар, шунингдек, болалар уйлари ва бошқа махсус мақсадли уйлардан) иборат бўлган фонддан ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар, яшаш шароитини яхшилашга муҳтож бўлган кўп болали кам таъминланган ҳамда уй-жойга муҳтожлар рўйхатида турган фуқароларга тақдим этилади.

Бундан ташқари, уй-жой шароитини яхшилаш мақсадида ушбу тоифадаги шахслар узоқ муддатли ва имтиёзли ипотека кредитлари, давлат томонидан тўлаб бериладиган субсидияларни олиш ҳуқуқига эга. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 мартдаги 182-сон қарори билан уй-жой сотиб олиш ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тасдиқланди. Унга кўра, даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни аниқлаш мезонлари, субсидияни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби аниқ белгилаб берилди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизга аҳолининг заиф қатламини ижтимоий ҳимоя қилишга оид қатор нормаларнинг киритилиши ҳам бу борадаги ишлар самарадорлиги ва узвийлигини таъминлайди. Асосий қонунимизнинг янги таҳририда Ўзбекистон ижтимоий давлат экани тан олиниши ва ундаги ижтимоий аҳамиятга эга нормалар қарийб 3 баробарга кўпайгани шундан далолат беради.



> **Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 47-моддасида “ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга” экани ҳамда “ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас”лиги қатъий белгилаб қўйилмоқда.**

Шу боис, янги таҳрирдаги Конституциямизда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш тартиби айнан қонун билан белгиланиши муҳим ҳисобланади.

### Фуқаро ва давлат мажбурияти

Умуман олганда, аҳолини уй-жой билан таъминлашда давлат мажбуриятлари ҳақида юқорида ҳам айтиб ўтдик. Лекин фурсати билан бу ҳақда яна гапириш зарар қилмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давлат фуқароларнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқини таъминлаш масаласида имкониятларидан келиб чиққан ҳолда барча чораларни кўради. Арзон уй-жойларни қуриш бўйича муддатли дастурларни қабул қилиш шулар жумласидан.

Бундан ташқари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган ва кам таъминланган тоифалари орасидан уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни ҳисобга олади ҳамда уларни аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидан уй-жой билан таъминлаш чораларини кўради.

Уй-жойли бўлиш ҳуқуқини амалга оширишда давлатнинг мажбуриятларидан яна бири, бу — уй-жой инсоннинг нормал яшаши учун қулай бўлишини назорат қилиш. Хусусан, уй-жойни сотиб олиш учун нархларнинг ошиб кетмаслигини (асосан, ижтимоий эҳтиёжманд тоифалар учун), табиат ҳодисаларига чидамли қилиш, ҳудуд иқлими (иссиқ, совуқ, ер силкиниши, сел оқиши кабилар)га мос равишда қурилишини, инсон саломатлигига зарар етказмайдиган қурилиш материалларидан фойдаланиш, жисмоний нуқсони бўлган шахсларнинг уй-жойга етиб бориши учун шароитлар яратишни (пандуслар қуриш, кенг лифтларни ўрнатиш ва бошқа) назорат қилишдан иборат.

> **! Шу ўринда биз юқорида шарҳлаган 47-моддани тўлиқ келтирамиз:
> “Ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга.**

**Ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланади.**

**Давлат уй-жой қурилишини рағбатлантиради ва уй-жойга бўлган ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун шарт-шароитлар яратади.**

**Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш тартиби қонун билан белгиланади”.**

Шу тариқа, биринчи навбатда, бир неча йиллардан буён жамиятимизда ўткир муаммолардан бирига айланган “снос” билан боғлиқ муаммога нисбатан халқпарвар, мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилувчи оқилона ечим топилишига кафолат беради. Шунингдек, аҳоли учун уй-жой қурилишини рағбатлантириш, айниқса, эҳтиёжманд тоифаларни уй-жой билан таъминлаш конституциявий даражада мустаҳкамланиши уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига, келажакка бўлган ишончи ортишига ва давлат ривожланишига ўз ҳиссасини қўшишига имконият яратади.

БУГУННИНГ ГАПИ



# ИМТИЁЗЛИ МАҲСУЛОТЛАР НАРХИ 10 дан 26 фоизгача арзонлашди

Бошланиши 1-бетда

Шу боис, жаҳонда охирги икки йилда озиқ-овқат инфляцияси йилига 15-20 фоиздан пасаймаяпти. Ўсимлик ёғи, сут ва гўшт нархи сўнгги 30 йилдаги энг юқори даражага кўтарилди. Транспортда ташиш, ўғит ва ёқилғи харажатлари ошиб кетгани ҳам озиқ-овқат нархларига ўз таъсирини кўрсатмоқда. БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг маълумотларига қараганда, озиқ-овқат нархлари индекси ўртача кўрсаткичи 2022 йилда 143,7 фоизни ташкил этган.

Таҳлилларга кўра, бу ҳолат жорий йилда ҳам, яқин истиқболда ҳам давом этади. Шунинг учун озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, одамларни банд қилиш бўйича қўшимча имкониятларни ишга солиш ҳар бир мамлакат, шу жумладан, Ўзбекистон олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади. Бинобарин, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг 1 долларга ўсиши иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқларида ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 1 долларга ошишига олиб келади. Айни пайтда иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 1 долларга кўтарилиши қишлоқ хўжалигида 0,18 долларлик ўсишни таъминлайди.

Президентимиз раислигида шу йил 23 март куни озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, баҳорги экин мавсумини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида сўнгги йилларда озуқабоп маҳсулотлар етиштиришга 200 минг гектар ер ажратилгани ҳамда 500 минг гектар қўшимча майдонлар фойдаланишга киритилгани ички бозорда нарх-навони барқарор сақлашга хизмат қилаётгани қайд этилди.

Статистик маълумотларга қараганда, мамлакатимизда 2022 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари индекси 115,6 фоизга тенг бўлган. Мевалар нархида кузатилган пасайиш инфляцияни тутиб турувчи омил бўлиб хизмат қилди. Гўшт, балиқ, ёғ-мой маҳсулотлари ҳамда сабзавотлар нархининг ўсиш суръати 2021 йилдагига нисбатан паст даражада қайд этилди.

Халқ дастурхони тўкин бўлиши учун Президентимиз 23 март куни имзолаган "Истеъмол бозорларида нархлар барқарорлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармон билан 2024 йил 1 январгача 32 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг (36 турдаги озиқ-овқат ва товарлар) импорт божлари ноль ставкада белгиланди. Бундан ташқари, 1 майдан ижтимоий реестрга кирган маҳсулотлар — мол, қўй, парранда гўшти, тухум ва ўсимлик ёғи харид қилса, қўшилган қиймат солиғи аҳолига қайтарилади. Бу орқали 2 миллиондан ортиқ оилага енгиллик бўлади.

## Божлардан имтиёзлар, улардан кутилмалар

Кейинги пайтда мамлакатимизда аҳоли кундалик истеъмолида энг кўп ишлатиладиган ун, гўшт, пишлоқ, макарон, шакар, чой, балиқ каби маҳсулотлар импортига алоҳида эътибор қаратиб келиняпти. Хусусан, 2022 йилда қарийб 900 миллион долларлик маҳсулот чет элдан харид қилинган. Бунинг учун 500 миллиард сўмдан ортиқ божхона божлари тўланган.

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази директори Обид Ҳакимовнинг қайд этишича, истеъмол товарларининг айрим турлари бўйича божхона божларини ноллаштириш иккита йўналиш бўйича ўз таъсирини кўрсатади. Биринчидан, божхона божлари тушганда импорт қилинадиган маҳсулотлар арзонлашади ва натижада уларнинг истеъмоли ошади. Бу савдонинг ҳосил қилиш самараси, деб айтилади.

Иккинчидан, бир мамлакатдан импорт қилинаётган маҳсулот қимматроқ бўлгани учун савдо йўналиши янгиланади. Яъни импорт географияси ўзгаради.

Энг муҳими, кундалик истеъмол товарларига божхона божларининг ноль ставкага туширилиши аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини мақсадли қўллаб-қувватлаш ва кам таъминланган уй хўжаликлари томонидан истеъмолни рағбатлантириш имконини беради.

— Мисол сифатида уй хўжаликларини оладиган бўлсак, таҳлилллар шуни кўрсатадики, асосан, бу озиқ-овқатлар кам

**БИР МАМЛАКАТДАН ИМПОРТ ҚИЛИНАЁТГАН МАҲСУЛОТ ҚИММАТРОҚ БЎЛГАНИ УЧУН САВДО ЙЎНАЛИШИ ЯНГИЛАНАДИ. ЯЪНИ ИМПОРТ ГЕОГРАФИЯСИ ЎЗГАРАДИ.**



ёки ўрта даромадли оилалар маблағларининг катта қисмини сарфлаётган маҳсулотлар ҳисобланади, — дейди эксперт. — Макарон, тухум, сариёғ, гўшт, пишлоқ, мева-чева шулар жумласига киради. Агар аҳолининг энг заиф қатлами фақат кефир сотиб олишга уй хўжалиги харажатларининг 5,6 фоизини сарфлаётган бўлса, энг юқори даромадли оилаларнинг ушбу товар учун кетадиган харажати атиги 0,7 фоизни ташкил қилади.



Демак, яқин пайтгача озиқ-овқат маҳсулотларига сарфланган харажатлар энг юқори даромадли уй хўжаликларига қараганда кам таъминланганлар томонидан 8-10 баробар юқори сарфларга сабаб бўлиб келаётган, янада содда қилиб айтганда, имтиёздан бойлар кўпроқ фойда кўраётган эди.

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар марказининг ҳисоб-китобларига кўра, фармонда имтиёз кўзда тутилган товарларга нисбатан божхона божларини ноллаштириш гўшт ва гўшт маҳсулотлари импортини 4,8 миллион, пишлоқни қарийб 900 минг, ёнғоқни 1,3 миллион, олма ва нокни 1,9 миллион, янги меваларни 1,6 миллион, шоколадни 4,7 миллион, қандолат маҳсулотларини 1,2 миллион долларга оширади.

Макроиқтисодий нуқтаи назардан, импортнинг ўсиши натижасида аҳолининг истеъмоли ошиши кутилмоқда ва ушбу турдаги маҳсулотлар учун импорт нархлари 1 фоиздан ортиқроққа пасаяди, бу фуқароларга 600 миллиард сўм миқдорида қўшимча маблағларни тежаш имконини беради.

## 24 турдаги маҳсулот нархи пасайган, ноқонуний товар айланиши қисқарган

Мутахассислар фикрича, озиқ-овқат маҳсулотлари танқис бўлган мамлакатларда иқтисодий ўсиш секинлашгани ва аксинча, фуқаролари етарли рационда овқатланган давлатларда ривожланиш тезлашгани кузатилган. 1 фоиз миқдордан кўпроқ оқсил моддасини истеъмол қилиш ялпи ички маҳсулотнинг йилига 0,49 фоиз ўсишини таъминлайди. ЯИМ йилига 1 фоизга ўсиб борса, аҳоли даромади 72 йилда 2 баробарга, агар у 2 фоизга кўпайса, одамларнинг пул маблағлари 36 йилда 4 баробар ошади ва ҳоказо. Шу сабабли, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бири саналади.

Ўтган ҳафта якунида Халқаро бизнес марказида бир қатор вазирлик ва идоралар, улгуржи ҳамда чакана савдо билан шуғулланувчи тадбиркорлар иштирокида давра суҳбати ўтказилди. Президентимизнинг "Истеъмол бозорларида нархлар барқарорлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ижросининг аҳамияти ва ички бозордаги нархларга таъсири муҳокама қилинган тадбирда имтиёзли асосда импорт қилинаётган товарларнинг учдан икки қисми бўйича нархлар арзонлашгани, ноқонуний товар айланмалари қисқарганига алоҳида урғу берилади.

— Таҳлилларимизга кўра, дастлабки 10 кун давомида божхона имтиёзлари асосида импорт қилинган 36 турдаги товарнинг 24 тури бўйича нархлар пасайган, — дейди Инвестициялар, саноат ва савдо вазири ўринбосари Бадриддин Обидов. — Айниқса, озиқ-овқат товарлари ичида хурмо — 16 фоизга, олма, беҳи ва нок — 42 фоизга, консерваланган балиқлар — 50 фоизга, минерал сувлар — 40 фоизга, таркибида какао бўлган конфетлар — 24 фоизга арзонлашди. Бу улгуржи нархларнинг пасайиши. Ноозиқ-овқат товарлари йўналишида болалар кийимлари нархининг ўсиши кузатилмаган бўлса, пойабзал маҳсулотлари баҳоси 61 фоизга пасайган.

— Божхона имтиёзи берилган товарларнинг ўтган йилги ҳолати билан таққослайдиган бўлсак, 2022 йилда 1 минг 233 тадбиркор томонидан қиймати қарийб 700 миллион долларлик товарлар импорт қилиниб, 1,6 триллион сўм миқдорида божхона тўловлари ундирилган, — дейди Божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Илҳом Мухторов. — Бу борада яна бир жиҳатга эътибор қаратмоқчиман, ўтган йили ушбу турдаги товарларнинг ноқонуний импорти бўйича 856 та ҳуқуқбузарлик содир этилган, 26 миллиард сўм қийматидаги товарлар божхона идоралари томонидан олиб қўйилган.

Президентимиз фармони билан ушбу товарларга ноль ставка қўлланиши уларнинг хуфиёна иқтисодиётдаги улушини камайтиришга олиб келяпти. Бу ўз вақтида қабул қилинган фармоннинг дастлабки самараси бўлди. Чунки ноқонуний товар айланиши сабаблари бож ставкаларининг юқорилиги билан боғлиқ эди. Айнан мана шу турдаги товарларга 20-30 фоизлик ставкалар қўлланган. Бу, ўз навбатида, божхона чегаралари орқали айланаётган товарларни ноқонуний декларациялашга, тўловлардан қочишга, божхона қийматини пасайтириш каби кўплаб салбий омилларга сабабчи бўлган. Бож ставкаларининг ноль фоизга туширилиши шунга ўхшаш ҳолатларнинг олдини олишга ҳам хизмат қиляпти.

Солиқ қўмитаси раиси ўринбосари Жаҳонгир Абдиевнинг қайд этишича, бугунги кунда имтиёзли товарларни ҳисоботларда акс эттиришда электрон платформа жорий қилинган. Ушбу платформа мазкур товарларнинг нархи чакана савдо нуқталарида 10 фоиздан 26 фоизгача пасайганини кўрсатяпти. Давлатимиз раҳбарининг фармони қисқа вақт ичида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб, аҳоли дастурхонини тўкин қилишга хизмат қиляпти.

## Озиқ-овқат инфляцияси қандай йўллар билан 10 фоиз чегарасида жиловланади?

2022 йил якуни билан юртимизда инфляция 12,3 фоизни ташкил этди. Барча иқтисодий механизмларни қўллаб, жорий йилда бу кўрсаткични 10 фоиздан пастга тушириш мақсад қилинган.

Давлатимиз раҳбари ҳузурида 2023 йил 7 февраль куни жорий йилда инфляция даражасини пасайтириш чоралари муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда бунинг учун истеъмол товарлари, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, уларни "даладан дастурхонгача" етказиб беришдаги харажатларни қисқартириб, арзон бўлишини таъминлашга қаратилган вазифалар белгилаб олинди. Бунда ҳудудлар салоҳиятидан келиб чиқиб, ҳар бир туман ва шаҳар бўйича алоҳида "Йўл харитаси" ишлаб чиқиш, аҳоли учун жозибадор молиявий хизматлар турини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Юқорида қайд этганимиздек, Президентимиз раислигида шу йил 23 март куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш масаласи ҳар томонлама таҳлил қилинди.

Ўтган йили озиқ-овқат етиштиришга имтиёзли кредитлар ажратиш, уруғ, кўчат, ўғит ва маҳсулот сотиб олишни тўғридан-тўғри молиялаштириш йўлга қўйилгани яхши самара берган эди. Жорий йилда ҳам бу мақсадларга 6 триллион 200 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 130 миллион доллар маблағни тадбиркорларга тўғридан-тўғри ажратади. Бунинг учун тадбиркорлар ўз лойиҳаларини вазирликнинг шаффоф электрон платформаси орқали тақдим қилади. Ажратилган кредитнинг 20 фоизи олдиндан, қолган 80 фоизи 10 йил давомида бўлиб-бўлиб тўланади. Бунда "банк устамаси" бўлмагани туфайли кредит фоизи ҳам арзон бўлади.

Бундан ташқари, жорий йилда аҳолига бўлиб берилган 200 минг гектар, дала четларидаги 50 минг гектар ер ҳисобидан 5 миллион тонна қўшимча маҳсулот етиштирилади, иқтисодий воситаларни кўпайтириш, ҳоким ёрдамчилари тизими орқали ушбу ерларда кооперация ривожлантирилади ва аҳоли бандлиги таъминланади. Деҳқон ва фермерларга қулай бўлган 250 миллион долларлик кредит, лизинг ва суғуртанинг янги турлари йўлга қўйилади.

Мева-сабзавотни чуқур қайта ишлаш яна бир муҳим йўналиш ҳисобланади. Лекин, ҳозирча бу борадаги кўрсаткич паст бўлиб, боғ ва узумзорларнинг 20 фоизида, сабзавот майдонларининг атиги 7 фоизида интенсив усул жорий қилинган. Шу боис, айни кезда озиқ-овқат саноатида 2 мингдан ортиқ лойиҳа шакллантирилган. Уларнинг ижроси натижасида 25 турдаги озиқ-овқат маҳсулоти импортини қисқартириш, экспортини эса кенгайтириш имконияти яратилади. 37 мингдан зиёд киши иш билан таъминланади. Қолаверса, мева-сабзавотларни чуқур қайта ишлаш орқали қўшилган қийматни бемалол 3-4 баробар ошириш мумкин.

Марказий банк бошқарувининг жорий йил 16 март куни бўлиб ўтган йиғилишида асосий ставкани 1 фоиз бандга пасайтириб, йиллик 14 фоиз даражада белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Унда қайд этилишича, асосий ставканинг 1 фоиз бандга пасайтирилиши ўтган йил март ойида хатарлар учун фоиз ставкани ошириш орқали қўйилган қўшимча юкламани тўлиқ олиб ташлаш имконини беради. Бунда, йиллик 14 фоиз даражасидаги асосий ставка инфляция прогнозининг пасаювчи динамикасида (8,5-9,5 фоиз) нисбатан қатъий пул-кредит шароитлар сақланиб қолинишини таъминлаши таъкидланади.

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази экспертларининг таҳлилича, асосий ставканинг 1 фоиз бандга тушиши натижасида базавий сценарийга нисбатан мамлакат ялпи ички маҳсулоти 0,55 фоизга ошади, аҳолига берилаётган кредитлар миқдорини 2,6 фоизга кўпайтиради. Натижада базавий сценарийга нисбатан аҳоли ялпи истеъмоли 0,2 фоизга кўтарилади.

Демак, озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Эндиликда илм, меҳнат, изланиш ва замонавий технологияларга таянган ҳолда, ундан самарали фойдаланиш зарур бўлади. Белгиланган кенг кўламли чора-тадбирларнинг ўз муддатида сифатли бажарилиши эса, маҳсулдорликни ошириш, импортни камайтириш, экспортни кенгайтиргани ҳолда, озиқ-овқат инфляциясини 10 фоиз чегарасида қатъий жиловлаш имконини беради.

**"Янги Ўзбекистон" мухбири Абдурауф ҚОРЖОВОВ шарҳи.**

МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКА

# АРЗОН, УЗЛУКСИЗ ВА БЕМИННАТ

## ёхуд Бобоқул бобо нимадан хурсанд?

**Навоий вилоятининг Кармана тумани Узумзор қўрғонида Бобоқул Бозоров рафиқаси билан яшайди. Меҳнат фахрийларидан хабар олиб турадиган маҳалла фаоллари бу гал ушбу хонадонга ўрнатилган қуёш панелидан оила соҳиблари қай даражада самарали фойдаланаётганини билиш мақсадида келди. Ҳомийлик асосида муқобил энергия манбаига уланган хонадон эгалари ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга қаратилган эътибордан мамнун.**



Янги қувватлар, истиқболли лойиҳалар, инновацион технологиялар, йилдан-йилга тараққий этаётган юртимизда яратилган имкониятлар аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Тадбиркорлик субъектлари фаолияти, ҳар бир фуқаро учун муносиб меҳнат шароитини яратиш, қолаверса, кундалик эҳтиёжларни қаноатлантиришда электр энергиясининг ўрни беқиёс. Бу иссиқлик электр станцияларининг барқарор ишлаши, шунингдек, табиий газга бўлган эҳтиёжнинг ортиши билан боғлиқ.

Статистик маълумотларга кўра, сўнгги 5 йилда ушбу табиат неъматининг истеъмоли юртимизда 20 фоиз ошган. Бугунги кунда энергетик барқарорликка эришишнинг энг мақбул йўли қуёш панелларидан самарали фойдаланишдир. Шу боис, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, бу жараёнда тежамкор ва қайта тикланувчи манбалардан фойдаланишни ривожлантириш борасида белгилаб берилган вазифалар изчиллик билан амалга оширияпти.

Мазкур йўналишда Навоий вилоятини намунавий ҳудудга айлантириш юзасидан илгари сурилган ташаббуснинг қўллаб-қувватлангани фикримиз тасдиғидир. Жумладан, вилоятда электр энергиясини тежаш мақсадида 2022 йил давомида 9 149 кВтли қуёш панеллари ва 34 030 литр ҳажмдаги қуёш сув иситиш қурилмалари ўрнатилди. Юқорида зикр этганимиз Бобоқул Бозоров ҳам ҳозир хонадонида муқобил энергиядан фойдаланиб келмоқда.

— Шу маҳаллада қирқ йилдан буён яшайман. Турмуш ўртоғим иккинчи гуруҳ ногирони, — дейди у. — Хонадонимизга қуёш панеллари ўрнатиб берилгани бизга ҳар томонлама қулай бўлди. Энергия ҳам, харажат ҳам тежаляпти. Масъуллар томонидан ортиқча электр энергиясини давлатга сотишим мумкинлиги тушунтирилди. Ҳозир шу орқали даромад топишни режалаяпмиз.

Ҳа, қуёш панелларидан самарали фойдаланиш орқали нафақат энергия ресурслари тежамкорлигига эришиш мумкин, балки бу фуқароларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда ҳам муҳим ўринга эга. Аҳоли хонадонларига ўрнатилган қуёш панелларида ишлаб чиқарилган электр энергияси учун тўловлар ҳисоблагич кўрсаткичларига асосан амалга оширилади. Тармоққа узатилган ҳар бир кВт/соат учун 1000 сўмдан тўлаб берилиши белгиланган.

Узумзор қўрғонида 130 та хонадон бўлиб, 330 киши яшайди. Бу ерда 30 та хонадон танлаб олиниб, уларнинг ҳар бирига имтиёзли кредит ва ҳомийлик асосида 2 кВтли қуёш панеллари ўрнатилди.

Энди даромад борасида гаплашсак. Агар бир хонадонда 25 миллион сўмга 2 кВтли қуёш панели ўрнатилса, 1 кунда ўртача 16 кВт, 1 ойда 480 кВт, 1 йилда эса 5 760 кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Шундан хонадоннинг ўз эҳтиёжи учун истеъмол миқдори бир ойда ўртача 300 кВт деб олсак, бир йилда 3600 кВт/соатни ташкил этади. Ушбу истеъмолни қуёш панелларидан жами ишлаб чиқарилган электр энергиясидан айириб ҳисоблаганда, ортиқча 2160 кВт/соат қолади. Демак, қуёш панелларидан ишлаб чиқарилган электр энергиясининг тармоққа узатилган қисми — 2160 кВт/соат учун давлат томонидан хонадон эгаси ҳисобига 2 160 000 сўм тўлаб берилади.

Кармана тумани марказидан олисда жойлашган ушбу қўрғон аҳлига ўз яшаш манзилига яқин ҳудудда тиббий хизмат кўрсатилишини таъминлаш ҳам доимий эътиборда. Узумзорликларнинг узоғини яқин қилган маҳалла тиббиёт пунктида малакали шифокор ҳамда ҳамширалар аҳолига тиббий ёрдам кўрсатмоқда. Эътиборлиси, бу ерда ҳам қуёш панелларидан самарали фойдаланилмоқда.

Шунингдек, Малик маҳалласидаги 26-умумий ўрта таълим мактаби ҳозир бутунлай янгича қиёфа касб этди. Таълимга қаратилган эътибор самараси ўлароқ, ўқув даргоҳининг моддий-техник базаси мустаҳкамлангани, ёшларнинг замон талаби даражасида билим олиши учун яратилган қулайликлар фикримизга ёрқин мисол бўла олади. Ушбу таълим масканида бир ойлик электр энергияси сарфи 1150 кВт/соатни ташкил этади. Бу ўрта ҳисобда 30 кунда таълим муассасаси 943 минг сўмни хоналарни ёритиш, электр жиҳозларидан фойдаланиш учун сарфлайди, деганидир. Мактабга қуёш панеллари ўрнатилганидан сўнг 345 кВт/соат электр энергияси тежалмоқда.

— Мактабимиз 320 ўринга мўлжалланган бўлиб, 1995 йилда фойдаланишга топширилган, — дейди мактаб директори Фаррух Бердиев. — "Обод қишлоқ" дастури асосида мактабимизга 2 миллиард 462 миллион сўм маблағ ажратилди ва қайта таъмирланди, қўшимча спорт зали қурилди. Мактаб биносига қуёш панеллари ҳам ўрнатилди. Натижада электр энергияси 30 фоизгача тежалмоқда.

Президентимизнинг Навоий вилоятига ташрифи давомида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг биринчиси ҳудудни электр энергиясини тежаш бўйича намунавий манзилга айлантириш эди. Бунинг учун барча ташкилотларга тўлиқ қуёш панеллари ўрнатилиб, сув насосларининг самарали ишлаш тизимини йўлга қўйиш белгиланган. Ҳозир бу борадаги ишлар босқичма-босқич ташкил этилаётганини юқоридаги амалий мисолларда кўриш мумкин.

**Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири**



12 АПРЕЛЬ — ХАЛҚАРО КОСМОНАВТИКА КУНИ

# Коинотни забт этган ватандошларимиз

## ЁХУД ЮРИЙ ГАГАРИННИ ПАРВОЗДАН СЎНГ БИРИНЧИ БЎЛИБ КУТИБ ОЛГАН ЎЗБЕК

**Космик технологияларни ривожлантириш ҳозир иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш шартларидан биридир. Чунки космик фаолият илмий-техник салоҳият, юқори технологияларни ривожлантиришга сезиларли таъсир кўрсатади. Хавфсизлик ва мудофаа, табиатни муҳофаза қилиш, табиий ва техноген офатларнинг олдини олиш каби муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради.**



**Шуҳрат ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**Астрономия институти директори, академик**

Амалий космонавтика ва космик ракета технологияларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган конструктор Сергей Королёв ҳақли равишда соҳанинг асосчиларидан биридир. Айнан унинг раҳбарлигида Ернинг биринчи сунъий йўлдоши 1957 йил 4 октябрда учирилган. Шу куни инсоният фазони ўзлаштиришдаги илк ғалабани қўлга киритди ва собиқ иттифоқ космик ракетасозлик соҳасида энг илғор давлатга айланди. Ундан кейин бошқа давлатлар космик трассаларга чиқди: 1958 йилда АҚШ, 1962 йилда Буюк Британия, 1965 йилда Франция, 1970 йилда Япония ва Хитой.

Ўшанда асосий мақсад — инсоннинг фазога парвозини амалга ошириш эди. Шунинг учун у инсон ҳаёти учун зарур шарт-шароитни таъминлайдиган, бошқарув ва алоқа тизимига эга, мураккаб ускуналар билан жиҳозланган дунёдаги биринчи "Восток-1" космик кемасини яратди. Ушбу кемада 1961 йил 12 апрелда учувчи-космонавт Юрий Гагарин илк бор сайёрамиз атрофини тўлиқ айланиб чиққан. Шунинг учун инсоннинг космосга биринчи парвози санаси — 12 апрель космонавтика тарихидаги энг муҳим саналардан бири бўлиб қолмоқда ва бу кун Халқаро космонавтика куни деб қабул қилинган.

Шундан кейин 1961 йилнинг май-июль ойларида АҚШлик астронавтлар Алан Шепард ("Меркурий" капсуласида баллистик траектория бўйлаб) ва Виржил Гриссом кетма-кет парвоз қилди. Лекин орбитал парвозни биринчи бўлиб АҚШлик астронавт Жон Гленн 1962 йил февраль ойида амалга оширди.

Хўш, нега тарихий сана арафасида бу фактлар эсланяпти? Бунга қай даражада зарурат бор, деган саволлар туғилиши табиий. Аввало, биринчи космонавт Юрий Гагарин Ўзбекистонга келишни яхши кўрган. У 1961 йилдан 1968 йилгача мамлакатимизга олти марта келган. Халқимиз ҳар сафар биринчи космонавтни энг азиз меҳмон сифатида кутиб оларди. Унинг дўстлари орасида кўплаб жамоат арбоблари ва маданият ходимлари бор эди.

Иккинчи сабаби, космонавтика соҳаси оёққа туришида ватандошларимиз ҳам салмоқли ҳисса қўшган. Бу улкан жараённинг баъзи муҳим жиҳатларидан кўпчилик бехабар бўлиши мумкин.

Ҳамюртимиз Ота Баҳромов собиқ иттифоқ авиацияси ва космонавтикасига катта ҳисса қўшган муҳандис-полковник, авиаконструктор бўлган. У 1913 йилда Тошкентда туғилган. 1938 йилдан Москва шаҳридаги ракетасозлик конструкторлик бюросида ишлаган. 1955 йилдан космонавтларнинг хавфсизлиги, қутқарув ва ҳаётини таъминлаш воситалари конструкторлик бюросини бошқаради. Айнан у раҳбарлик қилган бюрода фазога учиш учун герметик кабина-капсулалар яратилган. Бу капсулалар аввал ҳайвонлар учун, сўнг одамлар учун ишлаб чиқилди. Қисқаси, космонавтлар хавфсизлиги Ота Баҳромов раҳбарлигидаги бюрода яратилган тизимларнинг ишончлилигига боғлиқ эди.

Юрий Гагаринни парвоздан сўнг биринчи бўлиб кутиб олиш ва уни ҳукумат раҳбарлари билан учрашувгача кузатиб бориш айнан кабина-капсулалар яратувчиси Ота Баҳромовга топширилган эди. Ҳамюртимизнинг космонавт билан учрашуви акс этган суратлар интернетда яқиндагина пайдо бўлди. 1960 йилларда чиққан мақолаларда Ота Баҳромов номи ҳеч қачон қайд этилмаган. Чунки у космик соҳанинг энг махфий мутахассисларидан бири эди.

Космонавтика соҳасига муҳим ҳисса қўшган яна бир истеъдодли ватандошимиз техника фанлари доктори Рашид Отахонов эди. Ўтган асрнинг 80-йиллари бошигача космосдан тасвирлар оқ-қора рангда узатилар, бундай ҳолат фазогирларнинг имкониятини анча чеклар эди. Рашид Отахонов олис масофага рангли тасвирларни узатиш ва қабул қилиш усулларининг назарий асосларини ишлаб чиқди. Унинг 1983 йилда яратган "Кодер-декодер-5" қурилмаси "Салют-7", "Союз-9", "Союз-10" ва "Союз-11" орбитал космик кемаларида синовдан муваффақиятли ўтган. Айнан ўша пайтдан бошлаб космонавтлар ҳатто очиқ космосда ишлаётган ҳолатда ҳам парвозни бошқариш марказидан рангли форматдаги йўриқномаларни олиш имкониятига эга бўлган. Бу эса улар фаолияти самарадорлигини кескин оширган.

Рашид Отахонов қурилмасининг илк синови вақтида қизиқ воқеа рўй берган. Ўша аснода "Салют-7" станциясида бўлган учувчи-космонавт Владимир Ляхов учишни бошқариш марказига рафиқасини чақиришларини илтимос қилади. Гап шундаки, ўшанда аёлнинг эгнида яшил нўхат гулли ўзига жуда ярашган оқ кўйлак бўлган. Космонавт рангли тасвир узаткичи сифатини рафиқасининг кўйлагига қараб баҳолашни истаган эди. Илтимоси бажо келтирилди. Учувчи турмуш ўртоғини яшил нўхат гулли оппоқ кўйлакда кўргач, севинчи ичига сиғмади.

Космонавтика соҳасида муҳим натижаларни қўлга киритишга муваффақ бўлган олим ва муҳандис-конструкторларни тақдирлаш мақсадида собиқ иттифоқ Космонавтика федерацияси Сергей Королёв, академик Мстислав Келдиш ва Юрий Гагарин номидаги учта медални таъсис этган эди. Бу медаллардан бирига сазовор бўлиш ҳам жуда фахрли ҳисобланган. Рашид Отахонов илмий кашфиётлари учун ушбу учала медалнинг барчаси билан тақдирланган.

1969 йилда Тошкент машинасозлик-конструкторлик бюроси ташкил этилган. 1979 йили унинг бош конструктори этиб Шавкат Воҳидов тайинланган (кейинчалик у Ўзбекистон Фанлар академияси академиги этиб сайланган).



Мазкур бюронинг дастлабки муваффақиятли ишланмаси 1976 йили Ой аппарати "Луна-24"да ўрнатилган ГЗУ "ЛБ-09" тупроқ олиш қурилмаси бўлди. Унинг ёрдамида Ой сатҳида 2,7 метр чуқурликда қудуқ қазилди. Осмон жисмларини бурғилаш чуқурлиги бўйича бу рекорд ҳанузгача энг яхшисидир. Қазиб олинган Ой тупроғи қадоқланиб, қайтиш модули ёрдамида Ерга келтирилган.

Кейинчалик ушбу бюрода Марс ва унинг табиий йўлдоши Фобосда фойдаланиш учун пенетраторларнинг экспериментал намуналари ҳамда Фобосга узоқ вақт хизмат қилувчи автоматик станцияни ўрнатиш тизими ишлаб чиқилди. Венера сиртидаги ишлар учун тупроқ олиш қурилмаси яратилди. У +500°C гача бўлган ҳароратда, 95 атмосфера босими остида ва кимёвий тажовузкор муҳитда ишлаган. Қурилма 1982 йили март ойида Венера юзасига енгил қўнган "Венера-13" ва "Венера-14" космик станцияларига ўрнатилган. У ерда сайёранинг физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш учун Венера тупроғини бурғилаш ва тупроқ қатлами намуналарини олиш бўйича ноёб ускуналар яратилган.

Ватандошларимиз бевосита космосга ҳам парвоз қилган. Улар орасида собиқ иттифоқнинг икки карра қаҳрамони, генерал-майор Владимир Жонибеков ҳам бор. У Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида дунёга келган. Собиқ иттифоқдаги космонавтлар орасида энг кўп — 5 марта фазога парвоз қилган тажрибали космонавтдир. Космосда 145 кун 15 соат 58 дақиқани ўтказган. Президентимиз 2022 йили Владимир Жонибековни 80 ёшга тўлиши муносабати билан "Дўстлик" ордени билан мукофотлади.

Ўзбек халқининг яна бир фарзанди, учувчи-космонавт Солижон Шариповни айтиб ўтиш жоиз. 1997 йил ёзида Солижон Шарипов АҚШнинг кўп марта фойдаланиладиган Space Shuttle космик кемаси бортида парвозга тайёргарлик кўриш учун АҚШга борди. 1998 йил январида у "Endeavour" космик кемасида 8 кун 19 соат 47 дақиқа давом этган



*Солижон Шарипов Ўзбекистон байроғи билан космик кемада.*

биринчи парвозини ўтказган. Парвоз пайтида Shuttle билан Россиянинг "Мир" орбитал станцияси туташуви амалга оширилган.

Солижон Шарипов Ўзбекистон Республикасининг "Буюк хизматлари учун" ва "Амир Темур" орденлари ҳамда НАСАнинг "Космик парвоз учун" медали билан тақдирланган. Юртдошимиз ўзини академик Шавкат Воҳидовнинг шогирди деб билади. Қайси космик кемада учмасин, Ўзбекистоннинг байроғини ҳамиша ғурур билан парвозга олиб кетади.

Президентимиз ташаббуси ва бевосита бошчилигида қилинаётган муҳим ишлардан бири "Обод қишлоқ" дастуридир. Ушбу дастур доирасида чекка қишлоқларда яшаётган минглаб фуқаролар учун яхши турмуш шароитини яратиш, жумладан, тоза ичимлик сув, эҳтиёжига яраша уй-жой, иш ҳамда медицина хизмати билан таъминлаш, ҳордиқ чиқариши учун хиёбонлар барпо этиш, уларнинг фарзандлари учун тўкис жиҳозланган мактабларда ўқиш имкониятини вужудга келтириш каби кўплаб хайрли ишлар бажарилмоқда.

Ана шундай чекка ҳудудлардан бири Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманидаги Гагарин шаҳри эди. Бу ерда 2018 йилдан кенг кўламли ишлар бажарилди. Жумладан, 94 хонадондан иборат тўртта кўп қаватли ва 223 та якка тартибдаги уй қурилди. 176 та кўп қаватли уй ва 35 та кўча таъмирланди, 38 та болалар майдончаси қурилди. Илгари бирорта саноат корхонаси бўлмаган шаҳарда 2019 йилда иккита йирик тўқимачилик корхонаси, шифер, газобетон буюмлар ва пластмасса идишлар ишлаб чиқарувчи корхоналар фойдаланишга топширилди.

Сўнгги йилларда Гагарин шаҳрига келган ва катта ўзгаришларни ўз кўзи билан кўрган ватандош космонавтларимиз Владимир Жонибеков ва Солижон Шарипов бу ерда космонавтика музейини барпо этишни таклиф қилган. Ушбу ташаббусни Президентимиз қўллаб-қувватлади ва космонавтика музейини барпо этиш ишлари 2021 йил апрелда — сайёрамизнинг биринчи космонавти парвозининг 60 йиллигини нишонлаш кунигача якунланди.

Музейнинг очилиш маросимида космик соҳанинг йирик намояндаларидан иборат нуфузли делегация қатнашди. Делегация аъзолари орасида Владимир Жонибеков ва Солижон Шарипов ҳам бор эди.

Сайёрамизнинг биринчи космонавти номини олган шаҳардаги бу маданият маскани Ўзбекистондаги космонавтикага бағишланган илк музей бўлди. Унинг экспонатларида ватандошларимиз, олим ва муҳандис-конструкторларимизнинг ушбу муҳим соҳа ривожига қўшган ҳиссаси акс эттирилган. Ҳеч шубҳасиз, музей ёшларни ватанпарварлик, ота-боболарининг заковати маҳсули билан фахрланиш руҳида тарбиялашга, уларда илм-фан ва техникага қизиқиш уйғотишга хизмат қилади.

НУҚТАИ НАЗАР



# Миллий футболимизнинг жанговар руҳи

## халқимиз орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун керак

**Спортсевар халқимиз футбол бўйича миллий терма жамоамизни жаҳон чемпионатида кўришни орзу қилган. Бу орзу ҳамон сўнмаган. Жонкуяр мухлислар футболчиларимиз ютқазса, хафа бўлади, зўр ўйнолмаса, жаҳли чиқади, ғалаба қозонса, дўпписини осмонга отиб, ўзи ҳам кўкка сапчийди. Мағлубиятлар аламини кулгидан олдик, аслида, бу кулги заҳарханда эканини ҳаммамиз яхши билардик...**

**Дамир ИСМАГИЛОВ,**
**Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети футбол факультети декани, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**



Мутахассис сифатида очиқ айтишим мумкин, шу пайтгача Ўзбекистонда жамоавий спорт ривожланмай келди. Бунинг сабаби коррупция, манфаатлар тўқнашуви, таниш-билишчилик, сизу бизлик муносабатларида кўринади. Спортда, хусусан, футболда коррупция йўқ бўлса, қандай натижаларга эришиш мумкинлигини 2018 йилда 23 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида Осиё чемпионлигини қўлга киритган терма жамоамиз исботлаган эди. "Қорли финал" дея ёдда қолган бу матонатли ғалаба завқини халқимиз ҳали унутгани йўқ. Орадан беш йил ўтиб, шу йил мартда Осиё чемпиони бўлган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси (20 ёшгача) юртдошларимизга яна бир бор ғалаба нашидасини, умид учқунларини улашди.

Президентимиз шу йил 7 апрель куни икки муҳим қарорни имзолади. Бири — **"Оммавий ва профессионал футболни ҳар томонлама ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"**, иккинчиси — **"Маъмурий ислоҳотлар доирасида ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"**. Ҳар икки қарор матни матбуотда эълон қилиниб, футбол мутахассислари, футболчиларимиз, мухлис-халқимиз томонидан катта қувонч ва янги орзу-умидлар билан кутиб олинди.

Бу икки қарор бир кунда имзоланиб, бир вақтнинг ўзида ижрога йўналтирилиши шунчаки тасодиф эмас. Унинг замирида ҳам катта маъно ва мақсад бор. Яхшиси, бу ҳақда мақоламиз сўнгида тўхталсак-да, ҳозир футбол тўғрисидаги қарор мазмун-моҳияти, пировардида, эришиш мумкин бўлган натижалар ҳақида гаплашсак.

Мақоламиз аввалида миллий футболимиз атрофидаги манзарага қисқача баҳо бериб, халқимиз кайфиятини очиқ ва лўнда тасвирлашга ҳаракат қилганимиз бежиз эмас. Чунки Президентимиз қарорлари **миллий футболимизнинг жанговар руҳини шакллантиришга қаратилгани билан ҳам катта аҳамият касб этади.** Бу, албатта, халқимизнинг узоқ йиллик орзуларини рўёбга чиқариш имконини беради.

Буни қатор муҳим жиҳатларда кўриш мумкин.

**Биринчидан,** *футболни оммалаштириш ва ёшлар ўртасида кенг ривожлантириш мақсад қилинган.*

Бу қандай амалга ошади ва футболимиз ривожига нима беради?

Энди футболни боғча ёшидан оммалаштириш ҳаракати бошланади. Шу мақсадда маҳалла ёшлари ва мактабгача таълим ташкилотларида **"Оммавий футбол"** фестиваллари ва мусобақалар ўтказилиши йўлга қўйилади. Эътибор беринг, "фестиваль" дейиляпти. Фестиваль — байрам дегани. Байрам тантанавор руҳни тарбиялайди. Демак, фарзандларимиз ҳали болалигиданоқ тантанавор руҳ билан тарбияланиб, футболни ғалаба нашидаси сифатида қалбига сингдириб вояга етади.

Кейинги босқич ҳам жуда таъсирчан механизмга эга. Боғчадан кейин мактабда, сўнг олий таълимда жанговар руҳ тарбияси давом этади. Яъни мактаб ўқувчилари ўртасида **"Мактабларда футбол",** олий таълим муассасалари талабалари ўртасида **"Талабалар лигаси"** республика мусобақаларини ўтказиш тизими йўлга қўйилади.

Уч босқичдан иборат мазкур тизим бир томондан, ёш авлодни футболга муҳаббат билан тарбиялашга хизмат қилса, бошқа томондан, миллий терма жамоа учун иқтидорли ва фавқулодда моҳир футболчиларни саралаш имконини беради.

**Иккинчидан,** *футбол аёллар ўртасида ҳам ривожлантирилади.*

Бу мақсад замирида жуда катта ижтимоий-фалсафий, маънавий етуклик тарбияси ва ғолиблик омилини кўриш мумкин.

Сир эмас, кўпчилик оналар фарзандини футбол тўгаракларига беришга, умуман, футболчи бўлишига қарши чиқади. Чунки шу пайтгача футболда натижа бўлмаган. Шу боис, оналар фарзандининг фаровон ҳаётини футбол билан йўққа чиқариб қўйиш ёки таваккал қилишга журъат этмайди. Натижада кўп иқтидорли ёшлар ўзини бошқа соҳага уриб, йўлини топиб кетади.

Аёллар ўртасида футболни ривожлантириш, аввало, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, футбол бўйича аёллар терма жамоаси учун ўйинчиларни саралаш имконини берса, бошқа томондан, оилаларда футболга муҳаббатли муҳитни тарбиялашга замин яратади.

**Учинчидан,** *футбол маҳорати мактаблари футбол академиясига айлантирилади, жойларда янги футбол мактаблари очилади, мураббийларни рағбатлантириш тизими ҳам тубдан янгиланади.*

Бу билан олис ҳудудлардаги болаларнинг футбол билан шуғулланиши учун янги имкониятлар пайдо бўлади. Футбол мактабларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиши ва улар кейинчалик босқичма-босқич профессионал футбол клубларига бириктирилиши эса ёш иқтидор эгаларини жаҳон стандартлари асосида тарбиялаш ва саралаб олиш имконини беради.

Мураббийларни, умуман, футбол мутахассисларини рағбатлантириш тизими ҳақида сал кейинроқ тўхталамиз. Ҳозир эса Президент қарорларида келадиган энг муҳим, ҳужжатда кўзда тутилган мақсад ва вазифалар ижросида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бир тадбир ҳақида айтамиз. Бу — белгиланган ҳар қандай вазифанинг молиялаштириш манбаси аниқ кўрсатилиши.

Жумладан, ҳозир биз шарҳлаётган қарорда белгиланган вазифаларни амалга татбиқ этиш учун ҳам аниқ молиявий манбалар кўрсатилган. Масалан, юқорида айтилган уч босқичли мусобақаларни



ўтказишга Ўзбекистон футбол ассоциацияси маблағлари йўналтирилиши кўзда тутилган. Футбол мактаблари фаолиятини жонлантириш чора-тадбирлари эса Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари маблағлари, шунингдек, фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан ва мактаб уставидаги вазифаларга мувофиқ бўлган бошқа фаолият турларидан олинган, асосий машғулотлар ўтказилмайдиган вақтда бўш турган мол-мулкни ижарага беришдан тушган даромадлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган.

**Тўртинчидан ва энг муҳими,** *мазкур қарорни тайёрлаш ва такомилига етказишда оддий мутахассислар фикри ҳам ўрганилиб, таклиф ва тавсиялари бирма-бир кўриб чиқилди. Маъқул кўрилганлари қарорда ўз аксини топди.*

Биз ҳам жамоамиз билан кенгашган ҳолда қатор таклифлар берган эдик. Уларнинг айримлари инобатга олингани жамоамизни қувонтирди, қарор ижросини таъминлашда дахлдорлик ҳиссимизни чандон ошириб юборди.

Тақдим этган таклифларимиз, хусусан, давлат олий таълим муассасаларида футбол бўйича доимий фаолият юритувчи секциялар фаолиятини йўлга қўйиш, ОТМлардаги мавжуд спорт иншоотлари ва футбол майдонларининг доимий фаолият кўрсатишини таъминлаш, ҳар бир ОТМнинг футбол ва футзал бўйича жамоаларини шакллантириш ҳамда уларнинг "Талабалар лигаси" дастури доирасида ўтказиладиган республика мусобақаларида иштирок этишини таъминлаш, олий таълим муассасалари рейтингида мазкур талаблар инобатга олиниши ҳақида бўлиб, улар ҳужжатда акс этган.

Яна бир таклифимиз қарордан жой олди. Яъни жорий йилдан эътиборан ҳар йили футбол соҳасидаги халқаро ташкилотлар олимлари, мутахассислари иштирокида семинар-тренинглар, шунингдек, илмий-амалий конференция ва анжуманлар ўтказиш, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг футбол йўналиши бўйича талабалари битирув олди амалиётини ҳудудий футбол академиялари ва профессионал футбол клубларида ташкил этиш, миллий ва хорижий профессионал футбол клублари мутахассисларини университетимизнинг футбол бўйича дарс жараёнларига жалб қилиш вазифаси қўйилган. Шунингдек, 2023/2024 ўқув йилига қадар халқаро тажриба асосида Ўзбекистонда футболчиларни тайёрлаш моделини ишлаб чиқиш топшириғи юкланган.

Таклифларимиз инобатга олингани келажакда футбол бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш ва миллий жамоамизни жаҳон чемпионати сари етаклайдиган моҳир футболчиларни тарбиялаш учун мустаҳкам илмий ва амалий база яратишга хизмат қилади.

Футбол бўладими, бокс ё теннис, умуман, ҳар қандай спортда барқарор ривожланишни йўлга қўйиш учун, аввало, бошқарув тизими механизми хатосиз ишлаши керак. Йўқса, қанча қарор қабул қилмайлик, натижа бўлмайди. Сансалорлик, ўзибўларчилик, коррупция авж олаверади. Шу маънода, Президентимизнинг "Маъмурий ислоҳотлар доирасида ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори айнан футболни ривожлантиришга қаратилган ҳужжат билан ёнма-ён тургани футбол истиқболи бундан кейин давлат эътиборида бўлишига ишора, қолаверса, тизимда биз қайд этган камчиликларни тез ва самарали ҳал қилиш учун жиддий қадамдир.

Мураббийлар ва футбол мутахассисларини рағбатлантириш масаласига келадиган бўлсак, бу жиҳат Президентимизнинг юқоридаги ҳар икки қарорида ҳам ўз аксини топган.

Масалан, "Маъмурий ислоҳотлар доирасида ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорда Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари, олимпия ва паралимпия спорт турлари (ёш тоифалари) бўйича жаҳон чемпионатларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчилар, шунингдек, уларни тайёрлаган мураббийларни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан рағбатлантириш кўзда тутилган.

"Оммавий ва профессионал футболни ҳар томонлама ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорда эса Ўзбекистон футбол ассоциацияси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузуридаги футбол академиялари ҳамда футбол мактабларининг бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларини қўшимча моддий рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори лойиҳасини ҳукуматга киритиш вазифаси қўйилган.

Майдон текис — тўп думалоқ. Бу гап замирида тақдир ҳукми, унга кўникиш ҳисси, заифлик ҳоли мужассамдек гўё. Лекин узоқ йиллардан буён халқимизнинг орзу-мақсади футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасини жаҳон чемпионатида кўриш бўлиб келди. Президентимизнинг ушбу ҳар икки қароридан кўзланган мақсад ҳам шу, аслида. Унда белгиланган вазифаларни биз — масъуллар ўз ўрнида, виждонан бажарсак, мақсадимизга албатта етамиз.

ОБОД МАНЗИЛЛАР



# Қорақалпоғимсан – номусим, орим...

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**ёзувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**



**Президентимиз ҳудудлар ривожи ва аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 30 март куни Қорақалпоғистон диёрига ташриф буюриб, аҳоли, эл оқсоқолларию фаоллар билан самимий мулоқот қилди. Кун сайин обод бўлиб бораётган Кегейлидаги замонавий корхона фаолияти билан танишди. Республикадаги жаҳон андозаларига жавоб берадиган 6 та янги ишлаб чиқариш қувватларига рамзий старт берди. Нукусдаги инновацион янгиликларга бой ёшлар технопаркини мамнуният билан кўздан кечириб, шу шаҳардаги Олтин соҳил маҳалласида бўлди. Ифторлик чоғи юзларидан нур ёғилган отахонлар ва онахонлар давраси минг йиллик баҳорий таом — сумалакдан татиб кўрди.**

Бердақ номидаги Қорақалпоқ мусиқали драма театрида ўтказилган миллатлараро биродарлик анжумани барчада катта таассурот қолдирди. Давлатимиз раҳбари жорий йилда халқимизнинг буюк қомусий алломаси Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050, келгуси йили атоқли маърифатпарвар шоир Ажиниёз Қосибой ўғли таваллудининг 200 йиллигини кенг нишонлаш билан бирга қорақалпоқ мумтоз адабиётининг асосчиси Бердақ Қарғабой ўғлининг икки асрлик санасига тайёргарлик кўриш лозимлигини таъкидлади.

Бердақ Аму тўлқинларидек тўлғанган армон билан:

*Менинг мусофир халқимга*
*Яйраб-яшнар замон керак,* — деб ёзган эди ўз замонидан ҳасрат қилиб. Аллоҳга беадад шукрки, шоир орзусидаги "боғида булбуллар сайраган" хуррам кунлар, "ўтирик сўздан, элу юрти мунгли йиғлаган йироқ, мард йигитлар минган тулпор учун тўғри йўл" замони келди.

Бугун буюк юртимиз эришган беқиёс марраларни қалб кўзи билан ҳасаднинг қора пардаси қоплаганларгина кўрмаслиги мумкин. Йўқ, улар бу ўсиш-ўзгаришларга микроскопнинг линзаси орқали қарайди, аллақачон отдан тушган бўлсалар ҳам эгарга ёпишиб, ёмонлик тўрини тўқийди.

Сиёсатнинг кўрки — оқиллик. Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистонга ташрифи чоғи юксак ифтихор, келажакка қатъий ишонч, алоҳида эҳтиром билан "Биз битта элмиз ва битта юртмиз!" деди. Замирида чуқур эзгу маъно мужассам бўлган ушбу оқил ибора бугун янада долзарб даъват касб этиб, Қорақалпоғистон заминида истиқомат қилиб келаётган барча миллат вакиллари дилларида акс садо берди.

Дарвоқе, қадимшунос аллома С.Толстов бу элда етти минг йил муқаддам "Ёнбош" қўналғасида тирикчилик қилган хоразмий боболарнинг бошпанасини топган. Янги замон куйчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ошиқ Аёз — Ибройим Юсупов "Фарзандим деб очдинг қучоқ, Ўзга эмас, ўз жонимсан, Гўзал Ўзбекистонимсан!" деб шундай сатрлар битган:

*Мен талашиб фазлу камол*
*Биров билан баҳслашмайман.*
*Тарихчига очтириб фол*
*Мозий учун баҳслашмайман.*
*Мард Тўмарис — массагетнинг,*
*"Қирқ қиз"ларнинг урвоғиман.*
*Фарзандиман печенегнинг,*
*Саҳро қорақалпоғиман.*

Қадимги юнон тарихчиси Геродот милоддан аввалги 530 йилда массагетлар маликаси Тўмарис ва аҳамонийлар ҳукмдори Кир II ўртасида Окс(Амударё)нинг ўнг соҳилида бўлиб ўтган қақшатқич жанг якуни форс жаҳонгири қўшини ва ўзининг даҳшатли ҳалокати билан тугагани, шоҳнинг кесилган боши қон тўла мешга солинганини ёзади. Юқоридаги гўзал сатрлар муаллифи бу ҳақда "Тўмарис" достонини битди. Достон Зулфия, Қайсин Қулиев, Расул Ҳамзатов, Чингиз Айтматов, Мустай Карим, Давид Кўғултинов, Ўлжас Сулаймоновдек атоқли сўз усталарининг эътирофига сазовор бўлди. Куни кеча Навоий шаҳрида бўлиб ўтган туркий халқлар мумтоз шеърияти фестивалида тақдимоти ўтказилган "Туркий халқлар адабиёти дурдоналари" 100 жилдлигининг 5 жилди қорақалпоқ адабиёти намуналаридан, 1 жилди Ибройим Юсупов асарларидан иборат. Туркий халқларнинг мумтоз ва ҳозирги замон адабиёти вакилларидан 1010 муаллифнинг асарлари кирган бу муҳташам антологияни нашрга тайёрлаш жараёнида нақадар улуғ шоиру адибларимиз борлигини кўрдик.

Оташин қорақалпоқ шоири Ўтеш Олчинбой ўғли биринчи навбатда "Эр йигитга номус керак, ор керак!" деб ёзган эди. "Баралла айтгумдир кўнглимда борим, Қорақалпоғимсан — номусим, орим", дейди Генжемурат Есемуратов. Ўз шаънини барча нарсадан устун қўйган олижаноб қорақалпоқ халқи ҳақидаги илк маълумотларни ўн иккинчи аср рус солномаларида, машҳур тарихчи Рашидиддин асарларида, Русь ҳукмдорларидан Анна Иоановна, Елизавета Петровна ва кейинги давр архивларидан ҳам топиш мумкин. Бу бардошли халқ турли асрларда Нўғой ва Қипчоқ даштларида, Эдил ва Ёйиқ соҳилларида, Сирдарёнинг қуйи оқимида, Туркистон заминида яшаб келди. Ёйиқ (Урал) томонларда яшаганида қорақалпоқлар 1723 йили жунғор босқини туфайли (улуғ қорақалпоқ шоири Жиян Жиров ижодида ўз аксини топган) шарққа қараб кўчганидан кейин, 1743 йили Абулхайрхон тажовузига дуч келади. 1762 йили Ерали султон ҳужумидан сўнг Туркистон орқали Оролбўйига йўл олади. Бу ердаги кўним ҳам осон кечгани йўқ. Ажиниёз шоирнинг "Бўзотов" поэмасида ўша даврнинг қоронғу кунлари алам билан тилга олинади. Евроосиё кенгликлари бўйлаб қийинчилик гирдобида қолган халқ қисмати мураккаб бўлди. Устозимиз Ошиқ Аёзнинг Аббоз шоирга бағишлаган "Чўгирма" шеъридаги ушбу сатрлар бежиз ёзилган эмас:

*Аввал пайдо бўлдинг*
*кимнинг бошинда,*
*Оролбўйи, Эдил, Ёйиқ қошинда,*
*Ўн асрлик ўрис солномасинда*
*Қувондим номингни ўқиб, чўгирма.*
*Бобом панох бор деб Ўрусияда,*
*Пётрнинг шаҳрига кирди туяда,*
*Сий кўриб Москвада, Макарияда*
*Бошимизда олам кездинг, чўгирма...*

Қорақалпоқ халқи қайси кенгликларда, қайси империялар қаровида бўлмасин, озодлик, эрк учун тинмай курашди. Маманбийнинг шимолдан излаган адолати сароб бўлиб чиқди. Ойдўст ва Ерназар Олакўз Хива хонлигига қарши бош кўтарди. Охири фон Кауфман бу ерларни босиб олиб, ўзи раҳбарлигидаги Туркистон губернияси таркибига қўшиб олди. Дарё соҳилидаги энг баҳаво жойга Петроалександровск (Эски Тўрткўл) қалъасини қурди. Буюк Бердақ "Хоразм" достонида ушбу диёр, яъни Қуйи Амударё воҳаси, Турон паст текислиги, Қизилқум, Қорақум саҳроси, Орол денгизи остонасидаги бепоён ерлар ҳақида бекиёс завқ-шавқ билан сўз юритади. Ўз Ватанида кечган ҳақсизликлардан куюнади:

*Орага душман сўз солди,*
*Дўстдан дўстнинг кўнгли қолди,*
*Ўрис келиб юртни олди,*
*Шул бўлди фалак офати.*

Балки муҳтарам муштарий бу сатрлардан Бердақ замонидаги зулму зўравонликлар ҳасратини излар. Аммо большевиклар босқини ҳам қорақалпоқ халқи бошига чексиз-чегарасиз кулфат солди. Халқларимиз орасига нифоқ солишга уринаётган "қизиб кетган каллалар" бу гапларни билиб қўйишлари керак. Советлар 1920 йили ҳозирги Қорақалпоғистоннинг жануби ва шимолида Амударё вилоятини тузди. Хўжайли-Қўнғирот музофоти Хоразм Халқ Республикасига берилди. Мард етакчи, ўз халқининг фидойи фарзанди Оллоёр Дўстназаровнинг талаби билангина 1925 йилда Қорақалпоғистон мухторияти ташкил этилди. О.Дўстназаров унга бир неча ойгина раҳбарлик қилди. Уни тез орада Тошкентга, Москвага, кейин Бошқирдистонга, охирида яна Москвадаги "Металлстрой" трестига жўнатишди. 1937 йилнинг 8 декабрида шафқатсизларча отиб ташлашди.

1925-1936 йилларда Қорақалпоғистон мухторияти СССР таркибидаги икки республика таркибида бўлди. Шу даврда, яъни Оллоёр Дўстназаровдан кейин мухториятдаги олий мансаб — фирқа қўмитасининг биринчи котиби лавозимини 9 киши эгаллади. Уларнинг бирортаси қорақалпоқ миллатига мансуб эмас эди. Устига устак, мухторият мансабдорлари гоҳ кема, гоҳ туя, гоҳ поезд, гоҳ отда бир ойлаб йўл юриб, Москвга "ҳисобот ташир", минг бир машаққат билан Оренбург ё Қизил Ўрдага етиб келганда, яна Кремль томонга, "Совнарком"га, "Совнархоз"га чақиришарди. Улар элни ҳам, бола-чақани ҳам кўрмасдан орқага қайтар эди.

Ойнинг ўн беши ёруғ экан. 1936 йили мухтор республика Ўзбекистон таркибига киритилди. Бу жуда тўғри қарор бўлди. Чунки мухтор республика аҳолисининг тенг ярми ўзбеклар эди. Ўзбекистон Қорақалпоғистоннинг, Қорақалпоғистон Ўзбекистоннинг таянч тоғига айланди. Оқил етакчи Усмон Юсуповнинг таклифи билан туб аҳоли вакили Пиржон Сейитов, кейинчалик эса атоқли арбоб Шароф Рашидовнинг ташаббуси билан Қаллибек Камолов биринчи котиб лавозимига тайинланди. Бу даврда Қорақалпоғистон халқ хўжалиги, ирригация, мелиорация, аграр соҳа, қурилиш, логистика тармоқларида туб бурилишга эришилди. Темир йўл тизими бунёд қилинди. Туямўйин сув омбори барпо этилди. Икки элнинг бирлашиши чинакам бахт бўлди. Бунинг учун келтиришимиз мумкин бўлган мисолларнинг сон-саноғи йўқ. Фанлар академиясининг бўлими, Қорақалпоқ давлат университети, Ботаника боғи, Санъат музейи ташкил топди, опера, театр каби фан ва санъат соҳалари ривожланди.

Оққан дарё оқаверади. Ўзбекистон истиқлоли Қорақалпоғистонга мисли кўрилмаган миқёсдаги ислоҳотларни олиб келди. Янги аср бошидаги даҳшатли сув тақчиллигида бутун мамлакат мушкулот исканжасида қолган элга ёрдам қўлини чўзди. Ҳатто аҳоли учун бир чўмич ичимлик сув қолмаган овулларга Тошкенту Самарқанд, Андижону Сурхондан нажот келди.

Кейинги йилларда Қорақалпоғистон Республикаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Янги Ўзбекистон етакчиси мамлакатнинг яшариш, яшнаш стартини Мўйноқдан бошлаб берди. Бир неча ўн йиллар ҳувиллаб ётган аэропорт реконструкция қилиниб, умид учқунини алангага айлантирган жабрдийда масканга замонавий лайнерлар қўнди.

Президент раҳнамолигида бунёд этилган бир ярим миллион гектардан кўпроқ саксовулзор денгиз акваториясидаги тўзонга мустаҳкам иҳота бўлмоқда. Бу иш денгизнинг Учсой тарафидан амалга оширилмоқда. Денгизнинг Жилтирбос тарафидан худди 2012 йилда бўлгани каби катта сув оқими кириб боришидан умид узганимиз йўқ. Қолаверса, денгиз ултонининг айрим жойларидан сув отилиб чиқмоқда. Шоир айтганидек, денгиз бугун қайтса, эртага тошиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

Очиқ эл — гулистон, ёпиқ эл — зимистон, дейишган донишмандлар. Янги Ўзбекистон озод, обод, очиқ, демократик жамият биносига сайқал бермоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистонда қайта-қайта таъкидлаганидек, халқни рози қилиш, ҳар бир хонадоннинг бахтли турмушини таъминлаш, ҳар бир инсоннинг муқаддас муроду мақсадларига етиши, ёшларнинг илғор билим ва ғоялар билан қуролланиши, аёлларнинг иқболини ўйлаш, тадбиркорларнинг кўпайиши бугунги куннинг бош вазифасидир.

Обод турмуш нафақат Нукус, Тахиатош, балки ҳар бир овулга, ҳар бир маҳаллага, ҳар бир хонадонга кириб бормоқда. Мамлакатимиз ҳам, унинг барча ҳудудлари, жумладан, Қорақалпоғистон тараққиётнинг ойдин манзилларига отланяпти. Қаҳрамон шоиримиз ёзганидек, бу эл ҳали зўр бўлади. Бунга шу йилнинг 30 апрель куни ўтказиладиган умумхалқ референдуми орқали янги таҳрирдаги Асосий қонунимиз кенг йўлни очиб беради.

Янги таҳрирдаги Конституция юртни янгилайди, мамлакатни жаҳондаги энг илғор мамлакатлардан бирига айлантиради. Миллатлар орасидаги дўстликни янада мустаҳкамлайди. Иқтисодиёт билан маънавиятни тарозига тенг қўяди. Инсон ҳуқуқларини, унинг қадрини тўлиқ кафолатлайди. Бу сиёсий тадбирда барчамиз бирдек фаол иштирок этамиз, Янги Ўзбекистон қомуси, ёрқин келажагимиз, ўзимиз ва яқинларимизнинг бахтли истиқболи учун овоз берамиз!



МАТБУОТ АНЖУМАНИ

# Мукаррама хоним хиром айлаганда...

**"Тановар"га хиром айлаган гўзалнинг бетакрор рақсини томоша қилган инсон борки, ўзбек рақс санъати сеҳри мафтунига айланади. Бироқ нима учун бугунги замонавий рақсларимизда миллий санъатимиз жозибаси, устоз санъаткорларнинг ўзига хос анъаналари камроқ кўзга ташланмоқда? Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Турғунбоева яратган ўлмас рақсларнинг сири нимада эди?**

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши залида Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Турғунбоеванинг 110 йиллиги тадоригига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда биз таъкидлаган саволлар атрофида мулоҳаза юритилиб, "Баҳор" рақс ансамблининг ўтмиши ва бугунги кундаги ижодий фаолияти ҳақида сўз борди.

— 1957 йилда Мукаррама Турғунбоева ўзи саҳналаштирган "Пахта" ва "Пилла" рақслари билан Москвада ўтказилган 6-жаҳон фестивалида қатнашади, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Маъмура Эргашева. — Ижодий жамоа бу фестивалда олтин медални қўлга киритгач, Мукаррама опага миллий рақс ансамбли тузишни маслаҳат беришади. Шундай қилиб, 1957 йилнинг октябрь ойида Зулайҳо Раҳматуллаева, Валя Романова, Аъло Раҳимжонова, Ира Расулхўжаева, Дилбар Абдуллаева каби маҳоратли 12 нафар раққосадан иборат ансамбль фаолиятини бошлайди. Бирин-кетин 15 та дастур яратилади. Ўша кундан эътиборан ансамбль қаерга сафарга борса, ҳамиша дастур аввалида "Баҳор вальси", охирида эса "Пахта сюитаси" рақси ижро этилган.

Санъатшуносларнинг таъкидлашича, Тамарахоним, Уста Олим Комилов, Галия Измайлова ҳам ўзбек санъатини чет элларда намойиш қилган. Лекин ўзбекча оммавий рақсларни асосан, Мукаррама Турғунбоева дунё саҳнасига олиб чиқди, тарғибот қилди. Хориж сафарларида концертдан сўнг мухлислар "Баҳор" санъаткорларини ўраб олишар, қаердан келдингиз, дунёда Ўзбекистон деган юрт борми, қаерда жойлашган бу афсонавий ўлка, дея саволларга тутишар, юртдошларимизнинг жавобларини зўр қизиқиш билан тинглашар эди. Мукаррама Турғунбоева "Баҳор" ансамблига 21 йил раҳбарлик қилди. 200 дан ортиқ рақс саҳналаштирди. "Баҳор" дунё кезди. Ўзбекистоннинг ташриф қоғозига айланди. Мукаррама опадан сўнг Кундуз Миркаримова, Равшаной Шарипова, Маъмура Эргашева "Баҳор" ансамбли бадиий раҳбари бўлиб фаолият юритди. Кейинчалик давр ўзгариб, йигирма йил давомида "Баҳор" ансамбли фаолияти тўхтаб қолди.

— 2019 йилда мустақиллик байрами арафасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби янги биноси очилиши маросимига келди, — дейди Ўзбекистон халқ артисти, "Баҳор" давлат рақс ансамбли бадиий раҳбари, бош балетмейстер Зиёда Мадраҳимова. — Шу муҳим тадбирда давлатимиз раҳбари "Баҳор" ансамблини тиклаш борасида ҳам гапирди. Шу қадар қувондимки... 2020 йилда "Баҳор" ансамблини тиклаш ҳамда Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби негизида давлат ОТМ шаклида Маданият вазирлиги тизимида Ўзбекистон давлат хореография академияси ташкил этиш тўғрисидаги муҳим ҳужжатга имзо чекилди. Ансамбллар кўп, раққосалар кўп, лекин "Баҳор"нинг қайтиши чиндан ҳам тарихнинг қайтарилиши бўлди. Ансамблимиз тақдимотида иштирок этган юртдошларимиз халқимиз "Баҳор"ни қанчалар соғинганига, Президентимиз эса ана шу соғинчни жуда чуқур ҳис қилганига гувоҳ бўлишди.

Айни пайтда "Баҳор" ансамблида 30 ёш раққоса ижод қилмоқда. Айниқса, улар Мукаррама Турғунбоева саҳналаштирган "Наманган олмаси", "Баёт", "Зор этдинг", "Фарғона рубоийси", "Гулруҳ", "Андижон полкаси", "Йўлларим", "Самарқанд баҳори", "Пилла", "Пахта", "Кўнгил таронаси" каби рақсларни қайтадан тиклаш жараёнига катта қизиқиш билан қарашмоқда.

— Мукаррама опа туфайли "Баҳор" ансамблига бошқача меҳр қўйганман, — дейди "Баҳор" давлат рақс ансамбли директори Гулнора Мусаева. — Бугун ансамблимиз Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси хайрихоҳлиги остида Мукаррама Турғунбоева анъаналарига таяниб, янги-янги рақс композицияларини яратмоқда. Охирги уч йил давомида "Эй, сарвиноз", "Кўз тегмасин", "Наврўз", "Хоразмча рақс", "Янги Ўзбекистон" каби янги рақслар гулдастаси саҳналаштирилиб, томошабинларга тақдим этилди. Ансамбль шу кунгача Тожикистон, Озарбайжон, Туркия, Франция, Россия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Италия ва Бирлашган Араб Амирликларида концерт дастурларини намойиш қилди.

Тадбирда маҳоратли раққоса ва фидойи устознинг 110 йиллиги шарафига ўтказиладиган халқаро илмий конференция ва чет эллик санъаткорлар иштирокидаги концерт дастурлари ҳақидаги саволларга атрофлича жавоб қайтарилди. Айниқса, Мукаррама Турғунбоева ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм ва китоб ҳам тайёрланаётгани санъат шинавандалари қалбига кўтаринки кайфият бағишлади.

..."Тановар" янграй бошлади. Ҳарир рўмолларини юзига парда қилган янги авлод маликаларининг рақсларини томоша қилаётиб устоз санъаткоримизнинг мана бу сўзлари ёдимизга тушди: "Мен ишонаман, "Баҳор" ҳар доим ва ҳар сафар янги-янги рақс композициялари билан томошабинларга эрта баҳорнинг нурини сочиб, уларни гўзаллик ва муҳаббат оламига тортиб тураверади".

**Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-446.
11413 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 22:30 Топширилди — 23:45

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz



МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.